



# Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри  
Мулоқот учун E-mail: [erkinyurt@uzxalqharakati.com](mailto:erkinyurt@uzxalqharakati.com)

#27 20.04.2012

## ТУРКИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗГАРТИРИШ НИЯТИДА АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ



Туркиядаги “Эркин Ўзбекистон” анжумани ташаббускорлари Ўзбекистонда ўзгаришлар қилиш ва мамлакатни тараққийпарвар ўлкалар қаторига қўшишни мақсад қилишганини айтишмоқда. Ҳозирги тadbир эса, аввало, Ўзбекистондаги аҳволдан Туркия ва жаҳон жамоатчилигини янада кенгроқ бохабар қилишни кўзда тутди.

“Албатта, илк ўринда тинч йўллар билан ўзгаришлар ва ислохотларга эришиш мақсад қилинган” – дейди иштирокчилардан Ўзбекистон Халқ Ҳаракати вакили Намоз Нормўъмин - “Акс ҳолда ҳозирги тузумдан халқ жуда чарчаган ва ўз-ўзидан тўлқинланиб кетиши мумкин. Аммо ўшанда биз буни қўллашимизни баён этдик”. Анжуман ташкилотчилари, асосан, “Эрк” Демократик Партияси ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракатидир. Бироқ муҳожиротдаги барча ўзбек мухолифати гуруҳлари вакиллари қатнашганлари йўқ. Ўзбекистонда тижорат юритган ва кейинроқ чиқиб кетишга мажбур бўлган, ўз сармояларини йўқотганини айтаётган турк ишбилармонлари ҳам ушбу тadbирга қақририлганлар. “Улар Ўзбекистонга ёрдам бермоқчи бўлган одамлар ва анжуманга келиб, мамлакатдаги аҳвол ҳақида ўз фикрлари ва таклифларини айтишди” – дейди Намоз Нормўъмин.

Иштирокчиларга кўра, ҳозир Ўзбекистонда нафақат сиёсий,

балки иқтисодий ислохотлар ўтказиш ҳам жуда долзарб турибди. Хориждаги мухолифат вакиллари шу кунларда тўғридан-тўғри юз минг одамга “Эркин Юрт” газетасини етказишаётганини айтмоқдалар. “Кўплаб ўзбеклар бугун ташқарида. Биргина Россияда 3 миллион ўзбек бор. Демак бу одамлар тўғридан-тўғри маълумотга эришмоқдалар.

### Ўзбек-Турк совуқ алоқалари

Бироқ кузатувчиларга кўра, ушбу анжуман ортидан шундоқ ҳам таранг ўзбек-турк алоқалари яна ёмонлашиб кетиши мумкин. Ўзбекистонда ҳозир турк мактаблари ёпилган, қатор турк тижоратчилари ё чиқиб кетишган, ё ҳибсга ташланганлар. Шунингдек, Ўзбекистон Нурчилар гуруҳини ёшларга таъсир ўтказганликда айблайди.

Туркия ҳозир Ўзбекистон ватандошлари учун визасиз тизим жорий этган. Бироқ Ўзбекистон турклардан виза талаб қилади ва турклар бу визани олиш ўта қийинлигини айтишади. Шунингдек, Ўзбекистон турк дунёси тadbирларида кўшма тadbирларида ҳам деярли қатнашмайди.

Айрим ўзбеклар эса визасиз бориш имкони бўлса-да, Туркияга дам олиш учун боришга кўрқилларини айтишади.

“Тинч юрайлик, бир ҳафталик дам олиш деб Ўзбекистонга қайтгач, балога қолмайлик”.



**turkiston.tv**  
ИНТЕРНЕТ-РАДИО  
[radio.turkiston.tv](http://radio.turkiston.tv)  
ЖОНЛИ ЁЙИҢЛАРИНИ  
БОШЛАЙДИ!

28.04.2012 шанба кунидан бошлаб Тошкент вақти билан 21:00 да [turkiston.tv](http://turkiston.tv) радиоси жонли ёйинларини бошлайди. Илк эшитиришимиз мавзуси - ҳафта мобайнида содир бўлган ҳодисалар таҳлили.

[radio.turkiston.tv](http://radio.turkiston.tv) жонли эфирига савол ва таклифларингизни ушбу манзилларга йўллашингиз мумкин:

Web: [radio.turkiston.tv](http://radio.turkiston.tv)

Skype: [turkiston.tv](http://turkiston.tv)

E-mail: [radio@turkiston.tv](mailto:radio@turkiston.tv)

### ТУРКИЯДА ЎЗБЕК ДИКТАТУРАСИГА ҚАРШИ ГУРУҲ ТУЗИЛДИ

Масалан, “Араб баҳори” деган мамлакатлардаги зулмдан кам эмас Ўзбекистондаги зулм. Лекин бу зулмни дунё оммаси билмайди. Ҳатто, Туркия оммаси ҳам яхши билмайди.

(Давоми 2-бетда)

### ТУРК ТADBIRKORI: ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИДДИЙ ЗУЛМ БОР!

Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси томонидан тафтиш қилиниб, 5 млрд. сўмлик моли мусодара қилингани расман маълум қилинган эди.

(Давоми 2-бетда)

### ЎЗБЕКИСТОН: НАФАҚАСИ ҚИРҚИЛГАН ГўДАКЛАР ЧОРАСИЗ ШАРОИТДА ўСМОҚДА

“Болалари нафақаси қирқиб ташланган кўлаб оилалар фарзанди бетоб бўлиб қолса, дори-дармон ололмайди ва ё ҳатто сунъий сутга ҳам пул тополмайди”.

(Давоми 44-бетда-бетда)

### ВО АЖАБ

“Ака биласизми Ўзбекистон яқин икки йил ичида темир панжаралар билан ўраб олинаркан яъни, ҳақиқий қамокхонага айлантириллар экан”

(Давоми 4-бетда)

## ТУРКИЯДА ЎЗБЕК ДИКТАТУРАСИГА ҚАРШИ ГУРУХ ТУЗИЛДИ

Ушбу гуруҳга бирлашган фаоллар ўз асл мақсадини Ўзбекистондаги диктатура режимига қарши кураш ҳамда у ердаги асл вазиятдан дунё жамоатчилигини хабардор қилиш эканини айтмоқда.

23 апрел куни Истанбулда ўтказилган “Озод Ўзбекистон” халқаро анжуманига йиғилган 200 га яқин ўзбек ва турк зиёлилари “Ўзбекистон диктаторликдан қандай халос бўлиши мумкин?” деган савол атрофида баҳслашдилар. Айтилишича, иштирокчилар диктатурага қарши кўпроқ оммани хабардор қилиш йўли билан курашиш керак, деган қарорга келган. Анжуман ташкилотчиларидан бири — Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг Туркия бўлими раҳбари Алибой Йўляхшиев анжуман қатнашчилари муҳокама сўнггида қўшма баёнот қабул қилганини айтди. – Масалан, “Араб баҳори” деган мамлакатлардаги зулмдан кам эмас Ўзбекистондаги зулм. Лекин бу зулмни дунё оммаси билмайди. Ҳатто, Туркия оммаси ҳам яхши билмайди. Биринчи мақсадимиз, “Сизларнинг ёрдамингиз Туркия матбуоти ўлароқ бу вазиятни дунёга танитинг”, деган гапни қилдик. Иккинчи янгилик, биргаллашиб ташкилот тузсак, ишлар қилсак, дедик ва унинг натижаси ўлароқ “Эркин Ўзбекистонга ёрдам бериш гуруҳи” деган янги гуруҳ туздик, дейди УХХнинг Туркиядаги етакчиси Алибой Йўляхшиев. Алибой Йўляхшиевга кўра,

анжуманда қатнашган туркиялик иштирокчиларнинг кўпчилигини турк оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда туркиялик ижодкорлар ташкил қилган. “Эркин Ўзбекистонга ёрдам” гуруҳи аъзоларининг ҳам кўпчилиги турк зиёлилари эканини қўшимча қилган суҳбатдош турк миллати ўзбек миллатига ўз қардоши каби қараши ва хусусан, турк зиёлилари Ўзбекистондаги бугунги вазиятдан жиддий хавотирда эканини ургулади. – Туркияликлар Ўзбекистонни, Туркистонни ота юртимиз, деб ҳисоблайди. Бу ердаги зулмни худди ўзларига қилинган зулмдай қабул қилишади. Ҳукумат масаласига келсак, ҳозирги ҳукумат бироз дуруст, аммо Туркиянинг илгариги ҳукуматлари Каримовнинг ҳукуматидан ҳам кўп фарқ қилмас эди. Ҳукумат ўлароқ Туркия биздек муҳолифатни ҳеч қачон қўлламаган. Ҳозир ҳам очик қўлламайди. Лекин миллат ўлароқ турклар Ўзбекистонга жуда ҳам илиқ қарайди, дейди Алибой Йўляхшиев. Ўзбек ва турк зиёларининг бирлашишига турки бўлган яна бир жиддий жиҳат 23 апрел кунги анжуманда Ўзбекистонда ишлаб қайтган тадбиркорларнинг иштироки бўлди. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги давлатлараро муносабатлар жуда яхши бўлган паллада қардош миллат, дея бу давлатга катта сармоялар билан кирганини айтган “Туркуаз” ширкати

раҳбари Воҳид Гунеш шулардан биридир. Гунеш Ўзбекистонда қарийб 8 йил тадбиркорлик қилган. 2011 йилга келиб у бошчилик қилган “Туркуаз” ширкати бир қатор иктисодий жиноятларда айбланиб, фаолияти тўхтатилган эди. Ширкатнинг Тошкент, Самарқанд шаҳри ва бошқа ҳудудлардаги бир неча дўконлари давлат ҳисобига мусодара қилинган, унинг 20 га яқин туркиялик бошқарувчиси ҳибсга олинган. Ўзининг ҳам 9 ярим ой ҳибсда ётиб, охир-оқибат, каттагина пора эвазига қамокдан озод этилганини айтган Воҳид Гунеш 23 апрел кунги анжуманда иштирокчиларга кечмишларини сўзлаб бериш орқали Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ аҳвол нақадар оғирлигидан дунё жамоатчилигини хабардор қилмоқчи бўлганини айтди.

– Ўзбекистон ҳибсхоналарида одамни шундай бир ҳолатга келтиришадик, биринчи галда у моливий жиҳатдан адо қилинади ва унинг курашадиган аҳволи қолмайди. Бундан ташқари, оиласи ҳам, ҳеч ким уни ҳимоя қила олмайди. Бу одамларнинг дардини жамоатчиликка етказиш ва уларга ёрдам бериш керак, деган ўйдаман. Менинг бу ерда бирор сиёсий ёки бошқа мақсадим йўқ. Мен фақатгина инсоний вазифамни бажаришга чоғландим – у ерда жуда жиддий зулм бор, деди Воҳид Гунеш Озодлик билан суҳбатда.

## ВОҲИД ГУНЕШ: ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИДДИЙ ЗУЛМ БОР!

Ўзбекистонда 8 йил бизнес юритган ва сўнггида 9 ой ҳибсда сақланган “Туркуаз” ширкати раҳбари ўз кечмишларидан дунёни огоҳ этишга бел боғлади 9 ярим ойлик ҳибсдан сўнг “Туркуаз” раҳбари юртига қайтди 46 ёшли тадбиркор, ўз вақтида Ўзбекистонда “Гунеш Текстиль” ширкатини очиб, 7 йил ичида даромадини 60 миллион долларлик бизнесга айлантирган Воҳид Гунеш бугун дунё жамоатчилигини бу давлатдаги ҳақсизлик ва зулмдан огоҳ этишга бел боғлаганини айтмоқда.

Воҳид Гунеш етакчилик қилган ва кейинчалик Ўзбекистонда “Туркуаз” номли йирик хорижий савдо тармоғига айланган ширкат иқтисодий ва сиёсий жиноятларда айбланиб, 2011 йилда ёпилган эди. Ширкат раҳбарияти 40 га яқин қонунбузарликда айбланган ва Ўзбекистон Давлат божхона кўмитаси томонидан тафтиш қилиниб, 5 млрд. сўмлик моли мусодара қилингани расман маълум қилинган эди. Чорсу савдо марказидаги “маски-шоу” Илк тафтиш Божхона ва Солиқ кўмитаси, Узстандарт



агентлиги, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги махсус отряди билан бирга 2 март куни “Туркуаз” ширкатидаги Тошкент шаҳри марказидаги “Чорсу савдо маркази” — собиқ ГУМдаги биносидан ўтказилган эди. Ўша куни қутилмаганда савдо мажмуасига бостириб кирган қораниқобдаги махсус гуруҳ ҳибсга олган ўнлаб одам ичида Воҳид Гунеш ҳам бор эди. 2 март куни ўз ходимлари билан бирга Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг Юнусобод тумани ҳибсхонасига олиб кетилган Гунеш 2012 йилнинг январига қадар у ерда сақлангани ва 27

январ куни Туркияга депортация қилинганини айтмоқда. 9 ярим ойлик ҳибс Гунешга кўра, 9 ярим ойлик ҳибсда унга, у билан бирга ҳибсга олинган 40 ёшли укаси Фикрет Гунеш ҳамда яна 3 нафар туркиялик ишчига нисбатан оғир қийноқлар қўлланган.

“Қалтаклаш – бу қийноқларнинг энг жўни эди”, дея бугун матбуотга сўзламоқда Воҳид Гунеш.

- Утган йилнинг 2 мартида бизни ҳибсга олишди ва 2012 йилнинг 27 январидан озод бўлиб, депорт этилдик. Туркияга келдик. Озодлик: Ҳибсдан қандай озод бўлдингиз?

- Қандай қутулдим... Биласиз энди Ўзбекистонни. МХХнинг Юнусободдаги ҳибсхонасида 5 киши сақландик. Охири биздан 700 минг доллар пора талаб қилишди. “Акс ҳолда укангни, оилангни яна бир карра кўра олмайсан”, деб таҳдид қилишди. Кейин Туркиядаги акам буларга 700 минг доллар порани келтирди. Ишимизни судга оширишди. Суддан кейин депортация қилиниб, Туркияга келдик.

(Давоми кейинги бетда)

## ВОҲИД ГУНЕШ: ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИДДИЙ ЗУЛМ БОР!

(Давоми: боши олдинги бетда)

Шу шаклда жонимизни қутқардик. Озодлик: Сизга ва ширкатингизга айблов эълон қилинган вақтда Ўзбекистондаги бизнесингиз микдори қанчага етган эди? - Биласиз, Тошкентда ГУМда катта савдо марказимиз бор эди. Уни бутун мол-мулки билан мусодара қилдилар. Максим Горкий метро бекати ёнида яна битта кийим-кечак ва озиқ-овқат сотадиган дўконимиз бор эди. Самарқанд шаҳрида эски ЦУМ дейишарди, шу бинода ҳам кийим-кечак сотадиган дўконимиз бор эди, уни ҳам мусодара қилишди. Олмалиқ шаҳрида эса савдо маркази бўладиган бир дўконда иш бошлаётган эдик, уни ҳам олишди. Бундан ташқари, яна бир неча дўкон ва сармоя киритган бизнесимиз бор эди. Буларнинг ҳаммаси тортиб олинди ва биз қўлимизда паспортигимиз билан қуп-қуруқ қайтиб чиқдик Ўзбекистондан.

Озодлик: Қанча зарар кўрдингиз? - Тўғриси, мен бу ўринда конкрет сумма ҳақида эмас, балки бизга бир инсон, хорижлик бир тадбиркор ўлароқ қилинган ҳақсизлик ҳақида гапиришни истар эдим.

Озодлик: Аммо сиз жуда катта бизнесменсиз ва сиз кўрган зарарнинг суммасини қарийб 60 миллион доллар, деб ёзишди. Шу тўғрими?

- Ҳа, шунақа дейиш мумкин. Лекин айтмоқчи бўлганим бунга фақатгина "Туркуаз"га қарши қилинган бир ҳақсизлик, деб қабул қилиш керак эмас. Ўзбекистонда жуда жиддий зулм бор. 2 март куни бизни ва бизнес ҳамкорларимизнинг мол-мулкларини талон-тарож қилишди, ўзимизни калтаклашди ва ҳибсда ҳам қаттиқ қийноқларга солишди. Асосий масала мана шу зулмда, менимча,- дейди туркиялик ишбилармон Воҳид Гунеш.

**МХХ ҳибсхонасидаги қийноқ** Ўзбекистон Миллий ҳафсизлик хизматининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани ҳибсхонасида 9 ярим ой сақланган Воҳид Гунеш ўзи ва шерикларига нисбатан оғир қийноқлар қўлланилганини айтмоқда.

Озодлик: Гунешбей, сизга нисбатан ҳам қийноқ қўлланилди, сизни ҳам калтаклашдими?

- Нафақат мени, балки мен билан ҳибсга олинган 4 кишини ҳам калтакладилар. Ҳам иш жойимизда, ҳам ҳибсхонада. Кошки фақат калтаклашса эди. Мен сизга айтишим мумкин, биз билан бирга ҳибс қилинган 23 ёшли Ҳайретдин Унер, деган қардошимиз бор. Ҳибсдан чиққаннимизга 4 ой бўлган бўлса, ҳали ҳам даволанаяпти.

Ҳанузгача ошқозон-ичаклари оғир хаста, шифохонада оғир аҳволда қолмоқда. Бундан ташқари, унинг руҳий ҳолати жуда абгор ҳолатга тушган. Хуллас, жуда бир оғир исканжада яшадик биз.

Озодлик: Гунешбей, "Туркуаз" ширкатига нисбатан конкрет қандай айбловлар қўйилди?

- Биз нафақат иқтисодий жиноятлар, балки сиёсий жиноятларда ҳам айбландик. Яъни, ўша босқин куни бу талончиликни телевидение ҳам суратга олган эди. Кўргандирсиз, унда савдо марказида намозхоналар борлиги, диний китоблар борлиги, Мустафо Камол Ота туркнинг сурати чиққани, Қуръони карим чиққани айтилди ва булар катта айбдек талқин қилинди. Гўёки, биз диний даъватлар билан шуғулланганмиз. Орадан 8 кун ўтиб эса, божхона хизмати бизнинг молларимизда камчилик топди ва жами 142 минг сўмлик жарима солди. Биз бу жаримани ўтайлик, дедик. Аммо, улар кўнмади ва бизни ҳибсда қолдиришди. Хуллас, ҳозир бизга қўйилган айбловларнинг ҳаммасини аниқ айтиб беролмайман. Аммо, буларнинг ҳаммаси асоссиз айбловлар эди.

Озодлик: Ўзингизни бирор бир шаклда жимоя қилиш имкони бўлдимми? - Биз бутун мол-мулкимизни шундоққина бердик уларга. Кейин улар бизга гўёки яхшилик қилишди ва 700 минг доллар пулимизни пора ўлароқ олиб, бунга раҳмат дедиришди, гўёки жонимизни қутқаришди, юртимизга қайтаришди. Ҳимоя қилиш имкони ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Хўп бизни қўя туринг, аслида мен сизга у ердаги ўта кўрқинчли бир вазиятни айтмоқчиман. У ерда биз зулм остида ўлган одамларни кўрдик. Қўллари, бошлари пачоқланган, танаси парчаланган одамларни кўрдик. У Юнусободдаги ҳибсхонада одамлар на адвокати, на оиласи билан кўриша олади. У ерда жиддий зулм бор, бунга дунёга эшиттириш керак.

Озодлик: У ерда қийноқ кўп қўлланиладими?

- Жуда кўп, кўп. Фақат калтаклаш эмас. Жуда оғир қийноқ бор у ерда. Электр токи билан қийноққа солишади тутукунларни. Турли қийноқлар борки, агар фақат уриш бўлса, рози бўлардингиз. Уриш унақа оғир қийноқ эмас аслида.

Озодлик: Ҳозир Ўзбекистон ҳибсхонасида юртдошларингиздан яна кимлардир борми?

- Аниқ неча киши билмайман. Лекин, тахминан, 15 киши борлигидан хабарим бор. Улар ҳануз ҳибсда.

### 60 миллион долларлик ҳақни ундириш нияти

Қийноқлар остида кечган сўнгги 9 ярим ой ва бунга қадар кечган 7 йиллик бизнес фаолиятдан сўнг Ўзбекистондан қуп-қуруқ чиқариб юборилган турк тадбиркори ўзининг улкан ҳақсизликка учраганини айтиб, маҳкамага мурожаат қилди. У 60 миллион долларлик ҳаққини ундириш ва унга нисбатан қилинган қийноқларга масъул шахсларнинг жавобгарликка тортилишига эришиш ниятида.

- Сизга шундай айтай мақсадимни: сукут сақлаш билан ҳеч ерга ета олмаймиз. Бундай ҳақсизлик ва зулмни кўрган инсон ўлароқ биз сукут сақламаслигимиз керак. Биз ўзимизга ва бошқа инсонларга бўлган зулм ҳақида гапиришимиз керакки, бу улкан зулмни дунё эшитсин, билсин! Мол-мулкимга келадиган бўлсак, мен Туркияда маҳкамага мурожаат қилдим. Иш бошланди ва ўз ҳаққимни ундириш учун охирига қадар ҳаракат қилиш ниятидаман. Ишончим комилки, бу ҳақсизлик ва зулм жавобсиз қолмаслиги керак! — дейди туркиялик 46 ёшли тадбиркор, Ўзбекистонда мулки тўла мусодара қилинган "Туркуаз" ширкатининг эгаси Воҳид Гунеш. "Туркуаз" ширкати Ўзбекистонга илк бор 2004 йилда "Гунеш Текстиль" номи остида сармоя киритган эди.

**Воҳид Гунеш ёлғиз эмас** Тошкент шаҳри, кейинчалик эса Тошкент вилояти ва Самарқанд вилоятларида катта савдо марказлари очилди ва бу марказларда ишлаётган ходимлар сони 2011 йилга келиб 1 ярим минг кишидан ошган эди. Асосан, кийим-кечак, рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган улкан савдо тизими бўлган Воҳид Гунеш бизнеси 7 йил ичида 60 миллион долларлик бизнесга айланган ҳамда Ўзбекистондаги йирик хорижий савдо тармоғига айланган эди. 2011 йилнинг 2 мартда бу тармоқ орасида энг йириги бўлган Тошкент шаҳридаги "Туркуаз" савдо мажмуиға қилинган қора ниқоблилар рейди турк матбуотида ҳам кенг ёритилган ва хусусан, "Haber" агентлиги қора ниқоблилар сони 500 дан ортиқ экани ҳақида ёзган эди. Турк матбуотида берилган хабарларга кўра, айна кезде бор бундан айрилиб, бунинг устига хаста бир ҳолда Туркияга қайтарилган тадбиркор ва ўз ҳаққи учун кураш бошлаган Воҳид Гунешни Ўзбекистонда ҳақсизликка учраган бошқа йирик турк тадбиркорлари ҳам қувватлаш ниятини билдирган.

## ЎЗБЕКИСТОН: НАФАҚАСИ ҚИРҚИЛГАН ГҶДАКЛАР ЧОРАСИЗ ШАРОИТДА ҶСМОҚДА



“Болалари нафақаси қирқиб ташланган кўплаб оилалар фарзанди бетоб бўлиб қолса, дори-дармон ололмайди ва ё ҳатто сунъий сутга ҳам пул тополмайди”.

Хоразмдаги “Нажот” ташкилоти ҳисоботи болалар нафақаси бекор қилинган аксар ёш хонадонлар шароитини ана шундай тасвирлайди.

“Бизга кўплаб ёш оилалар мурожаат қилишади” – дейди вилоятдаги аҳволни ўрганган “Нажот” раҳбари Ҷайитбой Ёқубов – “Маҳалла кўмиталари келиб, совет давридан қолган уйга ва ёки қайнотанинг эски телевизорига қараб, гўдакларнинг нафақаларни қирқиб ташлашмоқда”. “Лекин ёш оилаларда баъзан тўйда тушган гиламу кўрпа-ёстикдан бошқа нарса бўлмайди. Эрақлар ишсиз ва мунтазам даромад манбаи йўқ. Кўплаб хонадонлар нима қилишни билмай, бизга мурожаат қилишмоқда”.

Ташкилот бу борада кўплаб мисолларни келтиради.

Хивалик Дилсўз кўкрагига вирус тушгани учун боласини эмиза олмайди. Шифокорлар ёзиб берган маҳсус сунъий сутнинг ҳар қутисига ўртача 40 минг сўм (20 АҚШ доллари) тўлаб сотиб олиш учун эса пули йўқ.

“Аммо фуқаролар йиғини вакиллари келиб, Совет даврида шифер қилинган 30 йиллик томни рўқач қилиб, болалар нафақасини бермасликка қарор қилишди”.

Қўшқўпир туманида яшовчи Анжирбиби эса оиласидаги 42 йиллик эски автомашинани баҳона қилиб, боласига нафақа беришмаганини, айтган.

Фаолларга кўра, Ўзбекистондаги болалар нафақаси тақрибан 38 мингдан сўмдан бошланиб, 78 минг

сўмга ҳам етади. (Ўртача 15-40 АҚШ доллари).

Сўнги йиллари маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳар бир оиланинг моддий аҳволига қараб, нафақа белгилашаётгани айтилади. Аммо нафақа белгилаш жараёнида баъзан таъмағирлик ва порахўрлик ҳоллари борлиги ҳақида даъволар мавжуд.

“Порахўрлик борлигини қаерддан билиш мумкин? Мана телевидение ва матбуотда ҳам бу борада айтиб туришибди” – дейди Ҷайитбой Ёқубов.

Ўтган йил давомида “Нажот”га юздан зиёд оила айнан болалар нафақаси қирқиб ташланаётганидан шикоят қилиб, мурожаат этган.

“Лекин уларнинг ҳеч бири ҳамон нафақа ололмапти”.

Фаолларга кўра, жуда камдан-кам ҳолларда, Тошкентдаги юқори муассасаларга мурожаат этишга қурби етган яккам-дуккам хонадонлар болалар нафақаларини тиклашга мушарраф бўлишади холос.

Пойтахтдан минг километр узоқдаги Хоразмдан Тошкентга шикоят билан келиш эса, боласига сунъий сут ва ё дори олиб беролмаётган ота-она учун деярли имконсиз бўлиши мумкин.

“Нажот” гуруҳи Янгибзордаги бутун хонадони ишсизликдан қийналаётган Рўзика-онанинг неваралари энди нафақадан ҳам маҳрум қилинганини қайд этади.

“Теливизорда биздек камбағалларга ёрдам кўрсатилишини кўп айтишади” – дея ҳайрон бўлади Рўзика-она.

Негаки амалда унинг оиласига ёрдам кўрсатилмайди.

## ВО АЖАБ

Ватанимиздан келиб бошпана изловчилар сони кундан кунга ошиб бораётганлиги сабаблими ёки, баъзи бир ватандошларга бераётган маслаҳатларим туфайлими Аллоҳу аълам кейинги кунларда кўпдан кўп ватандошларимиз хонадонимиз меҳмони бўлмоқдалар. Куни кеча шу каби бир ватандошимиз билан суҳбатлашиб турар эканман ўзимча жуда ҳам олиб қочадиган туридан экан бу ватандошимиз деб ўйланиб қолдим. Чунки унинг менга гапирётган сўзларига ишониш жуда ҳам қийин яъни мумкин бўлмаган нарса деб фикрладим.

Аммо меҳмоним ватанимиздаги юқори қатламларни барча шарт шароитларидан ва қинғир кийшиқ ишларидан хабардор эди. Каримов режимининг тизимларини халқимизга қилаётган зулмлари ва ноқонуний ҳаракатлари ҳақида сўзлаб туриб, “ака биласизми Ўзбекистон яқин икки йил ичида темир панжаралар билан ўраб олинаркан яъни, ҳақиқий камокхонага айлантирилган экан” деб қолди. Мен эса “эй ука, лоф ҳам эви биланда энди бизни ҳеч нарсадан хабари йўқ деб ўйлама” дедим.

Меҳмонимни шу сўзимдан сўнг бир оз кайфияти тушганини сездим гапни бошқа мавзуларга олиб гаплашдим, аммо суҳбатимиз ковушмади. Мен ноқулай вазиятдан чиқиш учун ошхонага чой олиб келиш баҳонасида чиқиб кетдим.

Холодилниқда бўлган қўлбола тортни бўлакларга бўла бошладим. Катта залда ўтирган меҳмонни хурсандлик билан “Назар ака тез келинг, мана мени сўзимни исботи” деганини эшитдим ва шошилиб залга кирдим. Меҳмон К+ каналини титерида ёзилган сўзларни кўрсатиб ўқинг ака деди. Мен ўқигунимча эса титер ўтиб бўлди.

Меҳмон эса ана энди ўтиринг ака мен сўзимни исботини ўқинг деди. Нима гап ўзи? Десам, у йўқ айтмайман, ака бир неча дақиқа кутинг ўзингиз ўқиб кўрасиз деди. Бир неча дақиқадан сўнг эса телеэкранда рус тилида

«Республика Ўзбекистан без согласия Кыргызстана начала строить ограждение расстоянием на 600 км» титир ёзув пайдо бўлиб ўтди. К+ каналини қайта қайта кўриб қараб туришдан бошқа иложим қолмади. Ахир бу каби гапга ким ҳам ишониши мумкин?

Миналанган майдонларни кўргандик. Тиканли симларни ҳам кўргандик. Аммо бутун бошли давлатни темир бетонли девор билан ўраб олиш каби калта фаҳмликини дунё кўрмаган ва эшитмаган бўлса керак деб, ўйланиб қолдим.

Сиз нима деб ўйлайсиз?!

*Дўст Назар.*

## ИАҚ РЕЖИМИНИНГ ПАЙТАВАСИГА ҚУРТ ТУШАЯПДИ



Ассалому алайкум Ҳаракатимизнинг кундалик янгиликлари билан кизиқиб ва биз билан деярли бир оиладек бўлиб қолган, Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий мустақиллигининг тарафдорлари бўлмиш биродарлар, опа – сингиллар.

Мана бугунги кунда Ҳаракатимиз томонидан бу мустабид режимнинг найранглари кундан – кунга фош этиб борилиши баробарида улар ҳам жим ўтиришмаяпти.

Яъни иложи борича ниманидир режимнинг сирларини фош қиладиган нарсга эканига заррача шубҳа туғилгудек бўлса бас, дарров унинг илдизини қуриштишга киришилмоқда. Ману бугунги кунда эса миллионлаб фуқароларимизнинг кундалик ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолган социал тармоқларга қарши кураш бошланди.

Буни эса ҳар ҳафталик адади юз мингдан зиёд бўлган ўзининг юз минглаб ўқувчиларини топган “ДАРАКЧИ” газетаси бошлаб берди. Унда айтилишича гўёки, социал тармоқлар Ўзбекистон фуқароларининг ҳаётига хавф солармиш.

Яъни у ерда айтилишича, ўзи ҳақидаги маълумотлар социал тармоқларга жойлаштирилгач кимлардир ундан фойдаланиш имконига эга бўлиши мумкин экан ва яна ўзига боғлаб олиб ундан қутулишнинг сира ҳам иложи йўқлиги айтилган.

Хуллас, мана бу ёғини ўқиб хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзининг хошиш иродасига боғлиқ.

Каминанинг фикри эса шуки. нима бўлганда ҳам социал тармоқлардан фойдаланиб ҳозиргача бирон бир зиён кўрмадик.

Аксинча ундан режимнинг жинойтларини фош қилувчи жуда кўп маълумотлар олиб турибмиз. Ва дунёдан бохабар бўлаяпмиз. Қолаверса.. у шунчаки ОАВларниНГ бир – бирларига яқинлаштирувчи бир восита ҳамдир.

Ва яна ҳар ким ўзи хоҳлаган фикрини ёки гапини билдириши мумкин бўлган ҳақиқий мустақил бир мунозара майдони дейиш ҳам мумкин.

*Тошкентлик мухлис Собиржон.*

## ХОРАЗМДА ДИНДОРЛАР УСТИДАН СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Хоразм вилояти “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти ўз мониторингларида шуни аниқладики, кейинги пайтларда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан имон-эътиқодли, ҳеч қандай ёт оқимларга берилмайдиган, фақат ўз мусулмонлик фарзларини бажараётган диндорларни диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик каби айблар билан қамоққа тиқиш ҳолатлари тез-тез содир қилинмоқда. Бундай тухмат ва бўҳтонлар ёш-ёш йигитларнинг ҳеч қандай айби бўлмаса ҳам, фақат Конституция ва қонунларда белгиланган диний эркинликлардан фойдаланганлари учун азият чекишларига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, 18 апрель куни Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судида гурланлик 3 нафар диндор – Исмойил Жуманиёзов, Эргаш Жуманиёзов ва Алланазар Тожимуратовлар устидан маҳкама жараёни бошланди.

Шу суд бўйича мониторинг олиб борилиши жараёнида «Нажот»га мурожаат қилган Гурлан тумани Шоликот қишлоғида яшовчи, 1980 йилда туғилган Э. Жуманиёзовнинг (тел: 998627651680) сўзларига қараганда, у марҳум отасидан фақат намоз ўқишни ўрганган, маҳалладаш бўлгани туфайли акаси билан ҳам биргаликда намоз ўқиган. Аммо диний экстремизмга алоқадорликда айбланиб, унга қарши жиноий иш қўзғатилган. “Айблов хулосасида ёзилганидай, мен ҳеч қандай диний уюшма ёки гуруҳга қўшилганим йўқ, ҳатто бир айблов хулосасида бир вақтнинг ўзида турли номлар билан номланган бу диний гуруҳларнинг кимлиги ва асли нима билан шуғулланишини асло билмайман. Фақат уйдан отамдан қолган, Ўзбекистонда чоп қилинган китоблар топилган.

Бирорта китоб чет элдан келган эмас, барчасида китобларни босган корхонанинг манзили ва муаллифлари кўрсатилган. Мен ажнабий диндорларни мутлақо билмайман. Бу нарсаларни мен тергов ва суруштирув пайтида бир неча маротаба сўзлаб бердим. Аммо терговчи айблов хулосасида ўз фикрини, билганларини қоғозга туширган.

Қўлимизга теккан айблов хулосасида ёзилган нарсалар биз айтган нарсаларга мутлақо зид ва бизга юклатилган тухмат бўлиб қолмоқда. “Нажот” ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишда

ёрдам беришини сураймиз” деб 2012 йил 17 апрель куни ариза берган. Айбланувчилар ва гувоҳлар берган кўрсатмаларга асосан, Исмойил Жуманиёзов, Э. Жуманиёзов, А. Тажимуратовлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244.2-модаси 1-қисми ва 244.1-модаси 3-қисми “а” бандидаги жиноятларни содир қилганлиги тўғрисида айблов хулосаси чиқарилган. Кўрсатмаларга назар ташласангиз, Исмойил Жуманиёзовнинг озгина маъмурий жавобгарликка тортадиган хатти-ҳаракати демаса, А. Тожимуратов ва Э. Жуманиёзовлар фақат намоз ўқишни ўрганганлар, холос. Бу эса жиноят уюшмаганини, аслида уларга қарши айблов махсус уюштирилганини, улар кимларнингдир тухматлари қўрсатади.

Бундан ташқари, Хоразм вилояти “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти мониторинги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1999-2000 йиллардагидек эътиқод ва дин эркинлигидан қонунан фойдаланган диндорлар устидан ИИБлар томонидан ўта кучли суриштрув ишлари олиб борилаётган экан.

1998-2000 йиллар давомида Хоразм вилояти бўйича 167 нафар фуқаро ваҳҳобийлик диний оқимиға мансубликад айбланиб, узоқ муддатга қамаб юборилган эди. Ҳозирги кунда шулардан тахминан 60 нафарга яқини қамоқда ўтирибди, шулардан 25 нафарга яқин одамга амнистия эълон қилиниб, қамоқдан озод қилинган. Уша пайтларда 100 нафага яқин фуқаро Афғонистонга кетиб, жангарилар сафига кўшилган, қидирувда бўлган 128 хоразмликнинг суратини ҳамма жамоат жойларида кўриш мумкин, улар Констицион тузумни ағдаришга уринишда айблангани ёзиб қўйилган. Қамалганлардан 5 нафарига отув ҳукми амалга оширилган.

Ҳозирги кунда эса Қорақалпоғистоннинг турли районларидан жами 6 нафар, Хоразм вилояти бўйича 11 нафар фуқаро устидан турли ҳуқуқ-тартибот идораларида диний экстремизм масаласи бўйича тергов ва суриштрув жараёни кетаётганидан огоҳ бўлдик.

**Хайитбой ЯҚУБОВ,**  
Хоразм вилояти “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти раиси.

## ФУҚАРОЛИК ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА



(Фуқаролик ва Тобъелик тушунчасининг тарихи ва бугунига бир назар)

### Фуқаролик тарихи (Гражданства)

Фуқаролик мақоми (Гражданства) қадимги Юнонистонда пайдо бўлган бўлсада, Рим Империяси даврида амалда кенг қўллана бошлаган. Қадимги Римликлар ўзларининг мақомини бошқалардан ажралиб туришини ва бу синфий фарқликлар қонуний бўлиши истаги билан буни жорий этганлар. Бугунги фуқаролик тушунчаси “Давлат билан шахс орасидаги сиёсий ҳуқуқий ўзаро алоқа мажмуаси”ни ўз ичига олса, у пайтларда умуман бошқача бўлган. Римликлар фақат Рим шаҳари аҳолиси ўзларини бошқа табақалардан ажратиб туриш учунгина бу мақомни жорий қилишган. Шунингдек улар учун фуқаролик мақоми маълум ахлоқий нормаларга қатъий амал қилишни ҳам назарда тутган. Римликлар Фуқаролик олиш билан ўша жамиятнинг энг олий табақаси ҳисобланиб қатор ҳақ ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлса, уни йўқотиши билан жуда паст табақага тушиб кетишган ва ҳуқуқлардан маҳрум бўлишган.

### Фуқаролик олиш шартлари қуйидагилардан иборат бўлган

1. Римлик бўлишлик ёки Римда яшашлик.
2. Оилавий мақоми Отаси ёки онаси Римлик бўлган бўлиши
3. Озод ва эркак шахс бўлиши.
4. 17 ёшдан 60 ёш оралиғида бўлиши.

Мана шу шартлар топилмаганларга фуқаролик берилмаган.

Қуйидагиларга фуқаролик берилмаган

1. Римлик бўлмаган ёки шаҳарда яшамаганлар
2. Насаби Римлик бўлмаганлар
3. Аёллар ва қуллар.
4. 17 ёшга етмаганлар ва 60 ёшдан ошса у фуқаролик ҳақ ҳуқуқларини баъзиларидан маҳрум бўлган. Мансабга тайинланш ва Диний маросимларни бошқариш ва ҳаказо... Бу билан Римликлар бошқа табақалардан ўзларини мақомини юксаклигини таъминлашган.

Ўша пайтларда Римда қуйидаги табақалар мавжуд бўлган.

1. Фуқаролар. (гражданлар)
2. Аёллар.

3. Фуқаролиги бўлмаган шахслар.

(Пегренини. Атроф вилоятларда яшовчилар.)

4. Озод бўлган қуллар.

5. Қуллар.

Озод бўлган қуллар фуқаролик олишдан маҳрум бўлишган ва Римга юз км. дан яқинроқ ерда яшаши ҳам ман қилинган. Қулларда эса ҳеч қандай ҳақ ҳуқуқ бўлмаган ва уларни ўлдирган фуқаролар жазоланмаган. Фуқаролар аёллари эса фуқароликдан маҳрум бўлсада мол мулкга эгалик қилиши ҳуқуқи бўлган. Бошқа табақаларнинг аёллари эрлари каби ҳақ ҳуқуқсиз бўлганлар.

Фуқаролик фақат католик динидаги Римликларга берилган. Шунингдек, бутпарастлар ва яҳудийларга берилмаган. Фуқаролик олиш эса Қирол томонидан чет эллик кимсаларга ҳада қилиниши ва ёки кўрсатган ҳарбий хизматлари учун беришлик мумкин бўлган. Шунингдек, сотиб олиш ҳам мумкин бўлган. Аммо, бу жуда катта миқдор пул турган. Вилоятлардаги шахсларга Суд тарафидан бериш ҳам мумкин бўлган. Ва Армияда 20 йил хизмат қилган кишига фуқаролик берилган.

### Рим фуқаролари қуйидаги ҳақларга эга бўлишган;

1. Сайловда овоз беришлик.
2. Ҳарбий Хизматга бориш.
3. Мол мулкга эгалик қилиш.
4. Уйланиш.
5. Римдан бошқа ҳудуддаги қонунларга амал қилмаслик
6. Судга мурожаат қилишлик.
7. Суд қароридан норози бўлса юқори Судга мурожаат қилишлик.
8. Ва умуман Рим фуқаролари ўлим жазоси ва дарра уришлик каби жазолардан озод қилинганлар.
9. Солиқ тўламаслик. (Солиқ асосан бошқа паст табақалардан ундирилган)

Римликлар фуқароларга ҳам маълум жазолар белгилашган Фоҳишалик қилганлар, Судхўрлар, Сехргарлар ва Ҳарбий хизматдан қочганларга суд томонидан “Беномус” деган рамзий жазо берилган. Бу каби жазо олганлар мансабдор бўлишдан ва ўйинга чиқишдан, диний маросимларда иштирок этишдан маҳрум қилинган. Ва булар то ўша беномуслик тамғаси олиб ташлангунча фуқаролик ҳақ ҳуқуқларидан маҳрум бўлган. Бу каби тамға уни берган Суд томонидан олиб ташланган. Одам ўлдирган ёки бирор фуқаронинг аъзосига жисмоний зарар етказган ёки сиёсий жиноят қилган фуқаролар қаттиқ жазоларга тортилган. Бу каби жиноят қилганлар дарраланган ёки ўлим жазосига ҳукм қилинган ёки қул қилиб сотиб юборилган. Бундай ҳолда у фуқаронинг фуқаролиги бекор қилинган ва мол мулки мусодара қилинган.

### Тобъелик тарихи

(Подданство)

Кейинчалик Европа Қироллари фуқароликни у ёки бу шаклда ўзлари

ҳукмронлик қилган ҳудудларда турли даврда турли хил кўринишда амалда қўллашган. Авваллари фуқаролик ва тобеълик мақомлари бир хил тушунилган ва бир хил вазифани бажарган. Қироллар турли хил қабила бошлиқларидан ўзларига тобеъликни талаб қилишган. Ва шу уларни ўша қироллик ҳудудида яшашини қонунийлаштирган Ва кейинчалик келгинди ажнабийларнинг мақомини белгилаш учун улар тарафидан Подданства яъни, тобеълик (Бу терминни ўзбекчаси бўлмаган учун шу иборани қўлладим) мақоми фақат ажнабийларга нисбатан жорий қилинган. Бу каби мақом – Қирол билан маълум шахс орасидаги бир томонлама келишувдан иборатдир. Бу ҳозирда ҳам шундай тушунилади. Аммо, ҳозирги кунда фуқаролик мақоми нисбатан анча такомиллашган кўриниш касб этган. Тобъелик ҳам турли асрларда турли кўринишда бўлиб келган. Бугунги кунда деярли дунёнинг барча мамлакатларида фуқаролик институти ишлаб турибди. Тобъелик деярли кам қолган. Тобъелик мақоми берилиши Русия қироли Петр 1 1721 йили ажнабийларга тобеълик олиш учун қасам ичишни жорий қилган. Шу пайтгача тобеълик мақоми олиш учун православ динига кириш шарт бўлганди. Қасамд матни ҳам Дума тарафидан тасдиқланган. Қуйида ўша матнни таржимаси билан танишишингиз мумкин.

“Қуйида имзо чекувчи шахс (исми) Подшоҳ (исми) га итоатли қул ва абадий тобеъ бўлишга ва ҳеч қачон чет элга чиқиб кетмасликга ва бошқа мамлакат армиясида хизмат қилмасликга ваъда бераман ва Қудратли Худо номига қасам ичаман!” Кейинчалик бу матндаги қул сўзи олиб ташланган. Ва бу қасам ичиб тобеълик олиш жорий бўлгач православ динига кириш шarti бекор қилинган.

Тобъеларга эса Русия ҳудудидан мол мулк сотиш ёки олиш ва русларга қиз бериш ва уйланиш ва ҳарбий хизматга кириш мумкин бўлган. Бу ҳуқуқлар тобеълиги бўлмаган келгиндиларга берилмаган. Буюк Британия Қироллигида эса тобеълик мақоми ҳалигача мавжуддир. 1981 йилги фуқаролик тўғрисидаги қабул қилинган Актга биноан Британия граждани бўлмаган шахслар энди унга (Қироличага) расман Тобъеъ (подданный) бўлишлари мумкин. Тобъелик мақоми ҳуқуқлари ҳам ҳар даврда турли давлатда турлича бўлиб турган.

Мусулмон мамлакатларида Тобъелик мақоми Мусулмон халқлар яшаган мамлакатларда ҳам айни шу каби тобеълик мақомига яқин Амир билан фуқаролар орасида байъат институти мавжуд бўлган. Аммо, Ислонда байъат асосида у ёки бу шахсни Амирга сиёсий тобеъ эканлиги тасдиқланган.

(Давоми кейинги бетда)

## ФУҚАРОЛИК ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

(Давоми: боши олдинги бетда)

Ва бу байъат аҳд паймон ҳисобланиб унга вафо қилиш шаръий вожиб бўлган. Лекин бу байъат беришлик фуқароларни ҳақ ҳуқуқини белгиловчи омил бўлмаган. Чунки, ҳақлар қуръон асосида аввалдан белгиланган бўлиб, байъат бу ерда кўпроқ Амирни қонунийлигини тасдиқлаш учун хизмат қилган. Бу услуб мамлакат ҳудудидаги ажнабийлар агар улар шу ерда доимий қолишни истасалар уларга ҳам қўлланилган. Агар келгиндиларнинг дини бошқа бўлса, у ҳолда жузъя солиғи тўлаш шарти билан шу давлат ҳудудида яшаши мумкин бўлган. Ва уларни ўз динига амал қилиб яшаш ҳуқуқи таъминланган.

У пайтларда халқлар асосан қабила ва уруғчилик асосида яшашгани учун бир уруғдан бир киши яъни ўша уруғнинг оқсоқоли байъат бериши ўша уруғ учун кифоя қилган. Байъат ёки жузъя берган қавмнинг дахлсизлиги ўша давлат томонидан қўриқланган. Бу келишув шаръий аҳкомлар асосида амалга ошган.

**Фуқароликнинг бугунги кўриниши**  
Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатада фуқаролик мақоми жорий қилинган. Ва бу мақомда кўрсатилган ҳақ ҳуқуқлар БМТнинг инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кўрсатилган инсон ҳақлари асосида ҳақлар белгиланган. Декларацияда инсоннинг куйидаги ҳақлари кўрсатилган;

1. Яшаш ва дахлсизлик
2. Қонуний ҳимояланиш
3. Истаган ерида яшаш ҳаққи
4. Фуқаролик ҳаққи
5. Никоҳланиш ҳаққи
6. Мулкга эгаллик ҳаққи
7. Фикр сўз ва дин эркинлиги
8. Ўз эътиқодига амал қилиш ва уни айта олиш ҳаққи
9. Ишлаш ҳуқуқи
10. Таълим олиш ҳаққи

Мазкур ҳуқуқлар бугунги кундаги ҳуқуқий Давлатлар Конституцияларида фуқароларнинг ҳаққи сифатида тан олингандир. Бундай давлатлар бугунги қонунлар бўйича ҳуқуқий давлат ҳисобланади. Бугунги фуқаровийлик мезони инсонларнинг дини, жинси, ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар ҳаммага баробар ҳақ ҳуқуқларни таъминлайди.

Бугунги кунда турли давлатларда фуқароларга фуқаролигини тасдиқлаш учун Паспорт ва шунга ўхшаш турли хил ҳужжатлар берилади. Ва бу нарса бу кунги давр тақозосидир.

Ва фуқаровийлик мезони мана шу шакли бугунги давр тақозо қилаётган талабдир. Ва менимча мана шу давлатлар фуқаролигини олиш Исломга зид эмасдир. Баъзилар айтаётгандек, бу билан мўминлар имонига зарар етмайди. Валлоху аълам!

**Абутов М.**

## СИЗ ДЕМОКРАТИЯНИ КАНДАЙ ТУШУНАСИЗ, ЭЙ ЧИРКИН КИМСАЛАР?!



Демократия ва эркинлик ҳар қандай давлат ривожланишининг асосидир. Бу оддий ҳақиқатни ҳамма яхши тушунади. Ўзбекистон Халқ Ҳаракати аъзолари ҳам демократлардир. Бироқ, кейинги пайтда ЎХХ аъзоларини демократия душманлари деб аташни ёқтирадиган нусхалар пайдо бўлди. Улар ўзларининг қўлбола сайтларида сабаб бўлса-бўлмаса, ЎХХ аъзолари устига тухмат ва бўҳтон тошларини отишяпти.

Эмишки, ЎХХ раҳбари ва аъзолари демократияга қарши эмиш, ЎХХ эса, радикал бир гуруҳ эмиш. Бу нусхалар, демократия ва “радикал” сўзларининг маъносини тушунишармикин? Буни билмадимкуя, лекин бу кимсалар Демократия деганда ўз ётоқхонасида ит билан ётишни тушунишлари аниқ. Бу пасткашлар Демократия деганида ғарб мамлакатларида кенг нишонланадиган гей парадлар ва аёлларнинг бир бирлари билан ёки итлар ва бошқа ҳайвонлар билан турмуш қуришлари каби, бир жинсли никоҳларни тушунишса керак. Нафақат ЎХХ, балки тўла демократик принциплар асосида ҳукм юритиладиган мамлакатларда яшашаётган нормал инсонлар ҳам эркинликнинг бундай чиркин кўринишларига қарши эканликларини улар қаёқдан ҳам билишсин?! Масалан, 20 апрел куни Ванкувер шаҳрида Марихуана куни бўлиб ўтди. Ҳар йили бўлиб ўтадиган бу “байрам” ҳар доимгидай шовкин-сурон ва дабдаба билан нишонлади. Шаҳарга Бритиш Колумбияси провинцияси ва Шимолий Америка штатларидан келган юзлаб бангилар тонг саҳардан Арт Галерея олдидидаги майдонга йиғилдилар.

Мен ҳам бу томошаларни ичидан кузатиш учун ўша майдонга бордим ва кўрганларимни қоғоз ҳамда фотоапаратга туширдим. Бу ерда 18 ёшли тажрибасиз гиёҳвандлардан тортиб 50-60 ёшли кўпни кўрган “уста” бангиларни учратасиз. Улар худди эски кадрдонлар каби бир-бирлари билан кучоклашиб кўришадилар ва ўзлари билан олиб келган марихуанани бир-бирларига илинадилар. Тикилган чодир-палатка дўконлар олдиде одамлар гавжум.

Бу дўконларда марихуана эмин-эркин

сотилади. Бу ўсимликнинг тасвири туширилган футболкалар, кепка, сумкаларнинг бозори чаккон. Майдон четига қурилган катта саҳнада турли мусикий гуруҳларнинг чиқишлари, майдон узра тарқалаётган марихуана тутунининг булути ортида аранг кўринади.

Майдон атрофидаги йўллар тўсиб қўйилган ва у ерда тўда-тўда бўлиб ўзаро суҳбатлашиб турган полиция ходимларини кўриш мумкин. Тиббиёт ходимлари ҳам майдон четиде ҳар қандай бир кутилмаган ҳолу ҳолатга шай туришарди.

Майдонга келиб, марихуана тутунига тўйган ёш-яланг, куннинг иккинчи ярмига бориб аста-секин шаҳар кўчаларига қараб оқишни бошлайди. Тонгдан буён давом этаётган нашахўрликдан сўнг одамлар ўзларини шаҳар марказидаги катта-кичик емакхоналарга урадилар. Арт Галерея майдони ва унга туташ кўчаларда кеч соат 6-7-ларга бориб гиёҳвандлар тарқаб кетишади ва шундагина улар қолдирган турли чикиндиларга кўзингиз тушади. Бир оз ўтиб кўча ювадиган машиналар пайдо бўлади ва яна ярим соат ўтар-ўтмас, майдон ўз ҳолига келади.

Бир полициячининг айтишича, бу йилги “Бангилар байрами” анча тинч ва сокин ўтган. “Ўтган йили кун давомида, гиёҳвандлар аралашган 4-та воқеа содир бўлганди. Бу йил, анча тинч ўтди,” дейди полициячи. Ғарб мамлакатлари ва энг аввало Шимолий Америкада кенг нишонланадиган бу ғалати “байрам” Америка ва Канаданинг кўп шаҳарларида, энгил гиёҳванд моддаларни легаллаштириш тарафдорлари томонидан оммавий намойишлар бўлиб ўтади. Шу куни бангилар кўча-кўйда очикчасига марихуана чекиб юришади.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Марихуана кунини нишонлаш анъанага кирган экан. Демократия ва эркинлик керагидан ортик бўлган АҚШ, Канада ва Европа мамлакатларидаги бангилар ҳар йилиги апрелнинг 20-числосини орзиқиб кутишади.

Булар ҳам сизингча демократиянинг, эркинликнинг бир кўринишими, унинг моҳиятини англаганими, эй чиркин кимсалар? Бу оламда ҳар бир нарсанинг, одатнинг, хулқу авторнинг ҳам чеки-чегараси бор эмасми?

Биз сиз каби ғаламислардан фарқ қиламиз ва Демократия деганда кўча кўйда очикчасига наша чекиш ва бузқуччилик билан шуғулланишни тушунмаймиз. Агар ЎХХ иқтидорга келса, Ўзбекистонда бангилар ва ножинслар байрамлари йўқ бўлиб кетади деган ваҳимада бўлсангиз, бунга асосингиз бор.

**Улғубек. Ванкувер.**

## ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛГАН МЕҲНАТ МУХОЖИРЛАРИ



2012 йил 12 апрелда Хоразм вилояти “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилотига Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани «Мухомон» қишлоғидан Ойбек Қурбонович Собиров (тел: +998622910118 ) ва Ҳазорасп тумани Пичокчи қишлоғи “Б. Матризаев” маҳалласидан Гавҳар Саъдуллаевна Нуруллаевалар (тел: +998956022620), жами 29 нафар хоразмлик ишчи мигрантлар номидан мурожаат қилиб, шу ҳақда Хоразм вилояти ҳуқуқ-тартибот идораларига ёзган шикоят аризалари ва улардан келган жавобларни тақдим этишди. Улар бир хийлагар шахснинг тақлифига ишониб, Россияга ишга кетиб, ҳеч қандай ҳақ ололмай, оғир аҳволда қайтиб келганлар. Эндиликда уларнинг додини ҳеч ким эшитмаётган экан.

Ойбек Собиров ва Гавҳар Нуруллаеваларнинг ёзма баёнларига кўра, 2011 йилнинг январь ойида Ҳазорасп туманида яшовчи Адолат Қўзиёвна Қўчқорова ва унинг турмуш ўртоғи Каримбой Эгамбердиев қариндоши бўлмиш Ойбек Собировни Россияга ишга тақлиф этиб, кўпроқ одам топишни тайинлаган ва ишга жуда кўп ҳақ тўланишини, яшаш ва ишлаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё эканлигини билдирган.

Ишсизликдан қийналаётган Ойбек ва унинг яқинлари, таниш-билишлари бир жойга тўпланиб, оиласини қоқиш мақсадида Адолатга ишониб, у билан бирга Россияга кетганлар. Иш ҳақлари олдиндан келишилган ва ёзма шартнома тузилган. Улар ишга 2011 йил бошида кетишган. Иш манзили: Россия Федерацияси Волгоград вилояти Вольжский тумани Зakanалье районуидаги Погромный қишлоғи бўлган.

Адолат билан кетган 29 нафар фуқаро юқорида келтирилган манзилда катта ер майдонларида

полиэ экинларини экиш, парваришlash, етиштириш билан шуғулланганлар.

Шикоятчиларнинг айтишича, Адолат Хоразмдан олиб борган мигрантларнинг жами сони 200 нафар зиёд экан. Шулардан 58 нафари Адолатни яқин қариндошлари бўлиб, улар нисбатан енгил ишларни бажариб, тўқ ва файзли шароитда яшаганлар. Қолган кўпчилик авом халқ эса жуда оғир шароитда кун кечириб, оч-наҳор кун кечирган. Уларнинг ичимлик суви ифлос, овқати эса фақат қайнатилган макарондан иборат бўлган. Иш берувчи томонидан берилаётган яхши озик-овқатлар, тухум, сариеғ, қанд-конфетлар, тортлар ва бошқалар Адолатнинг қариндошлари дастурхонидан ўрин олган ва қолганлари дўконга топширилиб сотилган.

Шартнома бўйича аввало ойлик (20 мартдан 25 июнгача), кейин кундалик (25 июндан 7 ноябргача) иш ҳақи белгиланган бўлсада, бу ишчи мигрантларга ишга олиб кетган раҳбар томонидан ҳеч қандай ҳақ берилмаган. Орадан уч ойча вақт ўтгач, иш ҳақлари берилавермагач, мазкур ишчи мигрантлар катта иш ташлаш уюштирганлар, бу иш ташлаш Адолат томонидан қаердандир чакирилган кавказ миллатига мансуб муштумзўрлар томонидан бостирилган, Кўплаб хоразмлик эркак ва аёллар мажруҳ бўлгунча калтакланиб, ҳақоратланган. Жумладан, етим бола Маҳмуд Собировни ўласи ҳолатга келгунча калтаклаган каллакасар тўда вакиллари қилган ишларини бошқаларга кўрсатиб, бошқаларни қўрқўвга солишган.

Бемор бўлиб, ички аъзоларидан қон кетиб ётган Гулистон Рўзметовага умуман тиббий ёрдам кўрсатилмаган, доимо адолатни талаб қилган Гавҳар Нуруллаевани эса қавланган ерга танасининг ярмигача қўмиб, “ҳеч қандай даъвом йўқ” деган тилхат ёздириб олишган. Йил охирига келиб, Адолат иш берувчи Александр Соловьевдан аллақачон иш ҳақлари ҳисобидан 2 миллион рубль олиб, Хоразмдаги қишлоғида 2 та катта иморат қурилиши ва безалишига ишлатиб юборгани учун, бечора ишчи мигрантлар фақат иш берувчи томонидан ҳар бирининг қўлига берилган 8000 рубль билан зўрға уйларига йўл олишган.

Шундан кейин Адолат Қўчқорова қайтаётган умидсиз фуқароларни

аввало яна бир хоразмлик Адолат исмли шахснинг автобусига жойлайди. У аёл ҳам товламачилик қилиб, улардан ортиқча пул ундирган ва Россиядан Қозоғистон чегарасига чиқариб қўйган. Кейин эса хоразмлик Зумрад Машарипованинг автобусида зурга Хоразмга етиб келишган. Бу учала аёл, яъни икки Адолат ва Зумрад Россиянинг Волгоград вилояти бўйича товламачилик гуруҳини тузиб, хоразмлик фуқароларни турли зўравонликларга дучор қилиб, ўзларига жарақ-жарақ пул ишлашмоқда.

Россиялик жиноятчилар билан тил бириктириб, адолат талаб қилган кўпчилик фуқароларимизни талашмоқда ва ҳатто ўлдириб ҳам юборишмоқда. Уларнинг гапига кириб, ишга борган фуқароларнинг паспортлари Хоразмдаёқ улар томонидан ҳар хил баҳоналар билан олиб қўйилади, рўйхатга киритиш баҳонасида то йил охригача уларга берилмайди, улар ҳеч кимни кўришмайди, чунки полиз майдонларида соқчилар мавжуд, сал овозини кўтарган ишчи мигрант азоб тағида қолиб кетмоқда.

“Ўртада шартнома бўлгани учун Хоразм вилояти ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилдик. Олдинига масъул ички ишлар нозирлари томонидан ўзларимиз ёзган ариза ва тушунтиришлар қабул қилинди. Кейин эса негадир тушунчаларни ўзларининг мақсадларига мослаб қайтадан ёзиб беришимизни, шунда масала ҳал бўлишини айтишди. Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими ва прокуратураси ҳамда вилоят прокурори текшириш олиб борди. аммо сал ўтмай ишни пулдор Адолатнинг фойдосига ҳал қилиб, жиноят аломатлари йўқ, асносидаги жавоб беришди. Айрим жойларида вилоят прокурори ўринбосари Ш. Р. Абдуллаев, сизларнинг фақат 400.000 рубль олгидорлигингиз бор экан, деган гапни айтди.

Шу пул аниқланган бўлса, майли, шу пулни олиб берсанг ҳам биз розимиз, десак, пулни олиб бериш тўғрисида прокурор ваъда бермайди, деди. Бизга иш ҳақларимизни олганлигимиз тўғрисидаги қалбаки қайдномаларни кўрсатишди. Уларга биз ҳеч қандай имзо қўймаганмиз, бизнинг номимиздан қалбаки имзо қўйилган.” дейди шикоят муаллифлари.

(Давоми кейинги бетда)



## ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛГАН МЕҲНАТ МУХОЖИРЛАРИ

(Давоми: боши олдинги бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Нажот” инсон ҳуқуқлари ташкилоти ишчи мигрантлар аҳволини мониторинг қилиб келар экан, 2007-2011 йиллар давомида одам савдоси ва иш ҳақлари берилмаётгани масаласи билан билан Хоразм вилояти ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилган бирорта фуқарони иши ижобий ҳал бўлганини билмайди. Ҳар сафар жиноят аломатлари мавжуд далил-исботлар тақдим қилинса-да, ишларида жиноят аломатлари йўқ деб топилиб, ўзгаларни мол-дунёсини зўравонлик, фирибгарлик, алдамчилик йўли билан ўзлаштираётган харомхўр ўғрилар қонундан ҳам устивор обрўга эга бўлишмоқда.

Наҳотки, Ўзбекистон давлати ўз фуқаросини ўз мамлакатида иш билан таъминлашга ожизлиги етмаганидек, ҳеч бўлмаса, ёт элларда ўзи ва оиласининг моддий таъминоти учун ишлаганида унинг ҳақ-ҳуқуқларини, эркини таъминлай олмаса? Наҳотки, хоризжда минглаган азоб-уқубатларни тортган фуқаролар ҳақиқатда бўлиб турган, ўзларига қарши содир қилинаётган жиноятларни қонуний равишда баён қилинса-да, амалдорлар уларга эмас, фақат пулдорларга ишониши яна давом этаверса? Бу қандай жамият ўзи? Қонунлар ижросини таъминлашга масъул идоралар ходимлари кўкрагидан итариб ташласа, оддий авом халқ кимга додини айтсин? Нега, ким эдинг, ким бўлдинг, кўша-кўша уйлар, машиналар қаердан бўлаяпти, деган саволларни уларга бериш қийин? Чунки мазкур шахслар жиноятчилик билан топилган пулларни чегарадан посбонлар билан тил бириктириб олиб ўтишмоқда, декларация тўлдириш, қонуний ҳаракатлар уларга таъсир қилмайди.

Ушбу мақола ёзилиши жараёнида Хоразм вилоятининг Боғот туманидан айнан Адолат Қўчқорова томонидан ишга олиб кетилиб, қуддай ишлатилиб, иш ҳақлари берилмасдан, товламачиликка учраган яна 50 нафар фуқаро “Нажот”га мурожаат қилди. “Нажот” ушбу шикоят бўйича мониторинг ишларини давом қилдирмоқда.

**Хайитбой ЯҚУБОВ,**  
Хоразм вилояти “Нажот” инсон  
ҳуқуқлари ташкилоти раиси.

## ТОШКЕНТДА ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРМОҚЧИ БЎЛГАН ЭЛИККА ЯҚИН ОДАМНИ ЧУВ ТУШИРГАН ФИРИБГАРЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Расмий ўзбек телеканалининг билдиришича, Ҳаж зиёратига бормоқчи бўлган эликка яқин одамни чув туширган фирибгарларга нисбатан жиноий иш очилган. Улар орасида Кўкалдош мадрасаси ва банк ходимлари бор.

5 апрел куни Ўзбекистон телевидениеси биринчи канали орқали эфирга узатилган “Ҳаж ва фирибгарлик” кўрсатувида айтилишича, Ҳаж ва Умра маркази вакиллари, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки мансабдорлари ва масжид имом-хатиблари билиб-билмай жиноятчиларга кўмак берган.

Фирибгар – Дин ишлари кўмитаси расмийсининг қўшниси

Кўрсатувда ҳикоя қилинишича, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита расмийси Нусратилла Нодировнинг қўшниси бўлган Абдорхон Музаффаров ўнлаб фуқароларга фириб берган.

“Новза” масжидида жойлашган Ҳаж ва Умра марказига ариза топшириш учун келган фуқаролардан катта миқдорда пул йиғиб олган Музаффаров юқори рутбали қўшниси номини сотган.

Шу тариқа, Музаффаров дастлаб 40га яқин одамдан 128 минг доллар ва 58 миллион сўм маблағ олиб, “бировлар ҳисобидан дабдабали ҳаёт кечира бошлаган”.

Музаффаров Макка ва Мадина зиёратига отланган фуқароларга сафар йўлланмасини навбатсиз тўғрилаб беришга ваъда берган.

Кейинроқ у айни ваъда билан яна ўнга яқин фуқародан 33 минг доллар ва 23 миллион сўм олган. 2011 йилги Ҳаж мавсумида фуқаролардан сафар харажатлари

учун пул қабул қилиш Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Янгийўл бўлимига топширилган. Теледастурда айтилишича, Миллий банкнинг Янгийўл бўлими бошқарувчиси Муроджон Содиков “лақмалиги ва ишига совуққонлик билан қарши билан” фирибгарга

фуқароларни алдашда ёрдам берган.

Фарғона вилояти Ҳаж ва Умра маркази собиқ ходими Абдуваҳоб Маърупов, Тошкент шаҳридаги Бурҳониддин Марғилоний масжиди имом-хатиби Юсуфхон Рустамов ҳам мижоз топишга Музаффаровга қаршиб юборган.

Қаллоблар орасида Кўкалдош мадрасаси ходими ҳам бор

Ҳаж зиёратига орзуманд бўлганларни алдаб, йиққан-терганини ўзлаштирган қаллоблар орасида Тошкент шаҳридаги Кўкалдош мадрасасида ишлаган Абдуҳолиқ Жўраев ҳам бор.

Ўзбекистон расмий каналига кўра, Жўраев ўнга яқин фуқародан Ҳаж ваъдаси билан пул олиб, шахсий манфаати йўлида ишлатиб юборган.

Кўрсатув давомида фуқаролар пешона тери билан топган пулини ҳийла-найранг билан олиб кўймоқчи бўлган товламачилардан эҳтиёт бўлиш зарурлиги таъкидланган.

Хусусан, Тошкент шаҳри бош имоми Анвар қори Турсунов мусулмонларни Ҳажга бориш учун пора бермаслик, ноқонуний йўллардан фойдаланмаслик, чегараларни бузмасликка даъват қилган.

Ўзбекистондан ҳар йили 5000 киши Ҳажга юборилади. Амалдаги тартибга кўра, Ҳаж ва Умра зиёрати учун аризалар маҳалла кўмиталарига топширилади. Сафар билан боғлиқ асосий масалалар эса ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссия томонидан ҳал этилади. 2011 йилда Ўзбекистон фуқаролари учун Ҳаж харажати киши бошига 5 миллион 800 минг сўмдан тўғри келган.

## АЖИБ БИР ТАСБИТ

Бир кардошим менга Мисрдан бир хат юборди. Ўша хатда дейиладики: “Араб дунёсида Уммати Муҳаммад бугун уммати муҳаннад бўлгандир. Саййид Кутбни танимаган мисрликлар, турк артистларининг барчасини ёддан билади.

Шоферимизга Кутбни танийсанми? десанг, танимайди. Кутб, Миср футбол командасида ўйнайди, дейилса, ҳа, янги бир ўйинчи бўлса керак, эслай олмапман, дейди. Бошқа тарафдан Таҳрир майдонида эса, миллионларча одамлар Саййид Кутб шеърларини маршиларда шиор қилиб айтишмоқда. Бу мудҳиш бир юксалиш каби кўринса-да, яхши бир ўсишдир. Чунки Кутб энди майдонларни эгаллади. Умар Ф. 20.4.2012, Қоҳира, Таҳрир майдонидан. Бу ерда муҳаннад, Қивонч Тотлитуг исмининг арабчасидир”.

“Борлиққа севиниб, йўқликдан эзилмайман, Менга сен кераксан, сен, сен”... Кеча бола кийимлари эскийди, бугун аклимиз ва юрагимиз чарчок. Ўтироф этишимиз лозимки, ихтиёримиздаги пул ва ҳокимият (ҳукумат) кучи, иймон кучидан кўпроқ. Унинг ичида ҳокимият ва пулимизга иймонимиз эмас, иймонимизга бойлигимиз ва ҳокимият кучи йўналиш бермоқдадир... Барча нарсаларни ҳокимият қилиб беришини истаймиз... Солиқ тўлапимизми, ахир, оч-у камбағални ҳукумат тўйдирсин, муҳтожга ҳам ҳукумат қарасин. Уйда хизматчи сақлаган бир уй бекаси, бошқа бирор тул хотиннинг, етимнинг, ногироннинг, қариянинг уйини тозалаб берадимиз?

У билан бир дастурхон атрофида ўтириш ҳам бир мунча оғир келади. Бу беканинг пули бор, ахир. Яхшиси, бирини юборди ва ўша ишларни қилдиради, тамом-вассалом. Аммо у ёрдамга, ўша ёрдам олган кишидан кўра биз кўпроқ муҳтож эканимизни, марҳамат, тавозеъ каби нарсаларни унутиб қўйганга ўхшаймиз. Баъзан ҳақиқатлар жуда аччиқ бўлади ва оғзимизнинг таъмини қочиради. Бу каби нохуш хабарларни ёқтирмайдиган кишилар, маҳалла ёки султонлар номи билан аталадиган масжидларга эмас, бир-биридан фарқли уйларга кетади. Хотинлар эса, ҳашаматли уйларни танлайди. Вақф, жамоат, жамият уларни сиқади, безовта қилади. Чунки улар, у ерларда танқид қилинади, кўзга тушади... Ўхшаш вазиятларни араб баҳоридаги бошқа ўлкалар ҳам бошдан кечирадилар. Туркия улар учун бир тажриба майдони бўлиши керак. Бизнинг муваффақиятларимиз улар учун модел



вужудга келтириши лозим. Бизнинг хатоларимиз эса, бир муҳим дарс бўлиши керак!

Биз дуч келган қийинчиликлар, биздан кейингилар учун бирор бахт манбаи бўлсин...

Биз бундан сўнгра амалга оширадиган ишларнинг ҳам кўпгина минтақалар ва Ислом мамлакатлари учун яхши ёки ёмон таъсири бўладиган бирор модел вужудга келтириши мумкинлигини ҳам ҳеч ёддан чиқармайлик... Кеча баъзи нарсаларнинг йўқлигидан қийналаётган бўлсак, бугун уларнинг мавжудлигидан бошимиз қотмоқда.

Ҳаёт мана шунақа бир нарса. Оқибатда кишилар ўзлари яшаб турган аҳволдан шикоятчилардир. Биласиз, ҳозир навбатда Сурия... Ундан сўнгра навбат кимга келади, хали кўраимиз... Ундан ҳам сўнгра ўзимизга яна бошқа дардлар ҳам топиб оламиз, албатта. Кўрарсиз, балки бу воқеалар Кавказга ҳам сачрар... Қарасангиз, Кавказда сувлар окмаётганга ўхшайди. Масалан, Қодировнинг ўзига хос Ислом номли сиёсати Россияга зарур бўлган таъсирини ўтказди. Салафий, шиа, тарикат учбурчаги ўз-ўзларини блоклаштиришаётган бир вақтда, бошқа тарафда бировлари фарқли ишларни айлантирмоқдалар...

Шу кунларда Ўзбекистон нотинч. Ўзбеклар бир мунча жонланган. Ўзбек ҳокимияти, Туркия ва турк тадбиркорларига нисбатан яна-да агрессив вазиятда... Ўтган кун Фотиҳда Али Амирий саройида «Озод Ўзбекистон» конференцияси ўтказилди. Ўзбекларнинг Каримовга нисбатан нафратлари баланд. Уларнинг айтишларича, Ўзбекистондаги вазият Шимолий Кореядан фарқ қилмайди... Халқ асорат остида қолмоқда. 5 миллион қочқин, 20.000 сиёсий маҳбус ҳақида сўз кетмоқда. Юзларча туркияли тадбиркорнинг мол-мулки музлатилгани ҳақида сўзладилар. Бу ҳолат Ўзбекистонда 23 йил давомида ҳукм сурмоқда. Мухолифлар бу ҳолни БМТ билдиришга ва Халқаро жазо маҳкамасига беришга киришганлар. Ўзбекистонда коммунистик режим

йиқилган ҳисобланса-да, бу мамлакатда қандайдир бир шаклда эски тузум, золим режими давом қилмоқда.

Ниҳоят, Араб баҳори бир кун Кавказга сачраши муқаррар, бу вазият узоқ давом этмайди... Ана ўшанда кимлардир бу жараёнларнинг ортида Россия, АҚШ, Хитой ва Европани кўрмоқчи бўладилар, албатта. Демак, ҳозирдан бошлаб бу масала ҳақида ўйлашимиз ва ташаббусни қўлдан бермаслигимиз зарур бўлади. Менинг назаримда, бир қатор Кавказ ўлкаларида ва турк мамлакатларида исталган вақт ҳар нарса содир бўлиши мумкин. Воқеаларнинг содир бўлиш вақтини узатиш ўйинлари қилинмоқда. Шу сабаб, бугунданок бирор нарсалар қилинмаса, бу ишнинг қон ва жон, замон ва иқтисодий зарарлари жуда юксак бўлиши муқаррар. Ҳатто ҳозироқ кеч қолинганга ўхшайди.

Бу жараёнда албатта интернет, жамоатчи ташкилотлар, диаспора, глобал алоқа воситаларининг таъсири катта бўлади. Аммо билмадим, нима учун бу ҳаракатлар ўзларига бир лобби ташкил қилиш ҳаракатига ўтмайдилар. Бирор агентлик тузмайдилар, тартибли ва давомли информация оқимига эга бўлмайдилар. Ҳамиша шикоятчилар ва доим бир нарсалар исташадилар. Бирок афсуслар бўлсинки, мақсадга эришиш учун стратегик, ҳар онда дуч келиши мумкин бўлган фавкуллодда ҳолатларга қарши кунлик (жорий-тактик) режалари йўқ. Борлари ҳам жуда оз ва мутлақо етарли эмас. Ғарб эса, буларнинг бир-бирларини тугатишларини қутаётганга ўхшайди...

Хуллас, Араб баҳори. Ҳа тўғри, Ғазза, Фаластин ва бошқа ҳаммаси бизнинг масаламиздир.

Аммо Ўзбекистон ҳам бизнинг масаламиз, ахир... Булар билан, айниқса, Ўзбекистон билан кўпроқ қизиқайлик, уларни кўпроқ тинглашга диққатимизни қаратайлик...

Салом ва дуоларим билан  
*Абдураҳмон Дилипов*

## БАХОДИР ФАЙЗИ: “ҲАММАГА БИРДЕК ЯХШИ КЎРИНИБ БЎЛМАЙДИ”

*Мухолифат ичида зайрат билан, тунлари ухлამасдан исво ёйишни ўзига касб қилиб олган А.Пўлатов, Ж.Маматов, Б.Маликов каби кимса-ларга жавоб ёзиб вақт йўқотмаслик учун аввалроқ чоп этилган ҳолис материалларни қайта босишга қарор қилдик. Баҳодир Файзининг “Ўзбек мухолифати тарихидан лавҳалар” асарини саҳифамизда беришдан олдин, журналист Юсуф Расулнинг муаллиф билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз. (Тахририят)*



Баҳодир Файзининг “Ўзбек мухолифати тарихидан лавҳалар” асари бу борада амалга оширилган илк тадқиқот сифатида эътироф этилади. Китобда ўзбек мухолифати фаолиятини бошланиши, ҳукумат билан мухолифат муносабатларидаги зиддиятлар, ички курашлар қатта маҳорат ҳамда ғоятда закийлик билан инкишоф этилган. Китобда жуда кўп манбаларга мурожаат қилинган, муаллифнинг шахсий қарашлари ва кўрган кечирганлари ҳам унда ўз аксини топган. Айрим мутахассислар Баҳодир Файзининг бу китоби ўзбек мухолифати тарихини ёритиш йўлидаги кичик бир уриниш эканлигини айтишади. Баъзи бир мухолифат намояндлари китоб муаллифини тарафқашликда ва мавзуга ноҳолис ёндошганликда ҳам айблашади.

“Ўзбек мухолифати тарихидан лавҳалар” илк бор “Исёнкор” саҳифасида ўзбек тилида босила бошлагач бу каби иддаолар айрим гуруҳлар ичида кўзга ташлана бошлади.

Биз шу муносабат билан айтиш пайтда АҚШда яшаётган Баҳодир Файзи билан суҳбатлашиб, унга бу борадаги айрим саволлар билан мурожаат қилдик.

Юсуф Расул: Баҳодир, бу китобдан боблар “Исёнкор” саҳифаларида ўзбек тилида эълон қилина бошлагач, турли сиёсий доираларда муҳокама қилина бошлади. Айрим мухолифат намояндлари сизни тарафқашликда айблаб танқид қилишмоқда, жуда кўп ҳамкасбларингиз, ижодкорлар, турли соҳа эгалари эса сизни ёш бўлишингизга қарамай шундай қатта ва савобли ишга қўл ургангиз билан табриқлашмоқда. Кўплаб ўқувчиларимиз эса бизга ёзган мактубларида китоб муаллифига миннатдорчилик билдириб қўйишимизни сўрашган...

Баҳодир Файзи: Раҳмат, илиқ фикрлар учун. Ҳақиқатдан “Ўзбек мухолифати тарихидан лавҳалар” асарини таниқли журналист ва адиб Исмаил Хушев жуда қатта маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилмоқдалар. Бунинг учун у кишига ва китоб ҳақида самимий фикр билдирган барча дўстларимизга чин дилдан миннатдорчилик билдириб

қўймоқчиман.

Ю.Р.: Нима учун ушбу асар шу пайтгача ўзбек тилига ўғирилмаган эди?

Б.Ф.: Биласизми, таржима бу қайта яратиш санъати дегани. Мен айти пайтда АҚШда яшаётганим ва ишлаётганим учун китобни ўзбекчага таржима қилиш учун имкон топа олмаган эдим. Бундан ташқари “Ўзбек мухолифати тарихидан лавҳалар” асарини инглиз тилидаги қайта ишланган, тўлдирилган нусхасини тайёрлашман. Мен айти пайтда АҚШдаги Питсбург шаҳридаги Point Park Университетида бизнес соҳасида таҳсил оламан. Бу ерда Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдан хабардор ўқитувчимиз профессор, доктор Креноу бор, у менга китобни халқаро андозаларга мос тарзда тайёрлашда ёрдам бермоқда.

Ю.Р.: Сиз ўзбек мухолифатини тадқиқ қилган киши сифатида бирор илмий даражага эгамисиз?

Б.Ф.: Мен ижтимоий фанлар бўйича Трукиядаги Улудоғ Университетида бакалаврлик даражасини олганман. Ҳозир АҚШдаги Point Park University магистратурасида ўқияман. Шу пайтгача бирор фан ёки соҳа бўйича докторлик илмий даражаси олмаганман.

Ю.Р.: Мухолифат вакиллари истисно қилганда, китоб ҳақида яна кимлар ўз фикр мулоҳазаларини билдирмоқда?

Б.Ф.: Оддий одамлар, Англиядан, Қирғизистондан ва ҳатто Ўзбекистондан жуда кўп ёшларнинг фикрларини олдим. Ўқувчилар китобдаги маълумотлар ўзлари учун янгилик эканлигини ва бу соҳада ахборот олганлик-ларидан мамнун эканликларини билдиришган эди.

Мен Ўзбекистонда амалга ошириш қийин бўлган ишни мамлакатдан ташқарида туриб амалга оширдим. Лекин тан олиш керак, малакали илмий иш эмас бу. Мақсадим халқаро ташкилотларга, дипломатларга ва хорижлик ўқувчиларга Ўзбекистондаги мухолифат ҳақида маълумот бериш эди.

Китобни ўзбек тилида таржима

қилиб интернет орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиши кутилмаганда кўпчиликни ўзига қаратди. Чунки, шу пайтгача бу китоб ҳақида у қадар фикрлар билдирилмаган эди. Назаримда ўзбек тилида интернет ўқувчилар жуда ҳам кўпайгандек.

Ю.Р.: Нега бу китобни дастлаб рус тилида таёрладингиз?

Б.Ф.: Сабаби бу китобни тайёрлашда асосан русча ва инглизча манбаълардан фойдаланилган. Материалларни инглизчадан русчага таржима қилиш осон кечган. Бундан ташқари Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳақида кўп кишилар асосан рус тилида ўқишади. Шу сабабли китоб рус тилида тайёрланганди.

Ю.Р.: Умуман олганда, сиз ўзбек мухолифати тарихи ва фаолияти ҳақида биринчилардан бўлиб китоб ёздингиз. Бу ўзига хос тадқиқотдир. Китобни яратиш жараёни ҳақида гапириб бера оласизми? Китобни ёзиш учун қандай манбаъларга мурожаат қилгандингиз?

Б.Ф.: Мустақилликдан кейинги ўзбек мухолифати ҳақида китоб ёзиш борасида олдиндан ўйлаб, фикрлашиб юрганмиз. Бу борада баъзи олимлар, ижодкорлар менга маслаҳат беришган. Аввало бир нарсани айтиш керакки, ўзбек мухолифати ҳақида китоб ёзилмасдан олдин ҳам жуда кўп китоблар, мақолалар чиққанди. Масалан, Туркияда “Мухолифат” китоби нашр этилган, АҚШ ва Европа матбуотида бир қанча мақолалар эълон қилинганди. “Мухолифат” китоби ўзбек ва турк тилларида Туркиядаги “Комен” нашриётида 2002 йил феврал ойида нашрдан чиққан.

Унда юрт ташқарисидаги ўзбек мухолифати ҳақидаги мақолалар, китоблар ва амалга оширилган илмий ишлар тўпланган. (Бу ҳақда қаранг: [uzbekistanerk.org](http://uzbekistanerk.org) Ю.Р.: Сизни китобингизда фақат хорижда чиққан манбаълар асос қилиб олинганмиди? Б.Ф.: Ҳа, албатта. Чунки мамлакат ичида мухолифат ҳақида фақат қораловчи, бир ёқлама фикрлар билдириб келинади. Шу сабабли китобда мамлакат ташқарисида чиққан адабиётлардан фойдаланилди.

Ю.Р.: Умуман бу китобни ёзилишига нималар сабаб бўлган? Баъзи мухолифат гуруҳлари сизни “Эрк” лидери буюртмасига кўра бу китобни ёзганликда айблашмоқда.

Б.Ф.: Йўқ, бу хато қараш, менга бу китобни ёзиш ғоясини айти пайтда АҚШда яшаётган таниқли тилшунос олим Хайрулла Исмаилов берган. Бир куни у киши мендан Ўзбекистон мухолифати ҳақида чиққан мақолалар ва китобларни тўплаб, бир рисола қилиб беришимни илтимос қилдилар.

(Давоми кейинги бетда)

## БАХОДИР ФАЙЗИ: “ҲАММАГА БИРДЕК ЯХШИ КЎРИНИБ БЎЛМАЙДИ”

(Давоми: боши олдинги бетда)

Мен ўша пайтда Питсбург Университетида ўқирдим. Дастлаб ушбу Университетнинг кутубхонасидан, компютер базасидан маълумотлар тўпладим. Барча маълумотлар АҚШ матбуотида эълон қилинган. Ўша пайтда дастлаб Ўзбекистон муҳолифатини тарихи ҳақида қисқа бир брашюра, рисола шаклида бир нарса ёзиш фикрида эдим. Шундан сўнг ишга киришдим. Ўзбекистон ҳақида хорижда чиққан материалларни ҳам тўплашга улгурдим. Жуда кўп манбаълар бор эди, фақат уларни таҳлил қилиб китобни ёзиш қолганди...

Ю.Р.: Биринчи тадқиқотингизни амалга ошириш қийин бўлгандир? Умуман ушбу китоб устида қанча вақт иш олиб бордингиз?

Б.Ф.: Тўғриси айтсам, китобга материаллар тўплаш ва ёзиш жараёни 5 ой вақтимни олди. Мен ўша пайтда Университетда ўқирдим. Шу сабабли китобни ёзишга у қадар кўп вақт ажратмаганман. Шунга қарамай вақт ажратиб, ушбу китобни 2002 йилнинг декабр ойида ёзиб тугалладим. Китоб тайёр бўлганди. Уни қайта қайта ўқиб, баъзи жойларини тўлдириб чиқдим. Бироқ олдимизда бир муаммо турарди, бу рус тилидаги китобни нашр этиш учун маблағ топиш муаммоси эди. Китобни Америкада нашр қилиш қийин эди биз учун. Чунки рус тилида тайёрланган асарни бирор нашриёт сотиб олмайди. Китоб бизнесида улар бирор фойда кўрмаса бу ишга қўл уришмайди. Бу китоб эса фойда кўриш учун эмас, балки ўзбек муҳолифати ҳақида маълумот бериш мақсадида, савоб учун ҳозирланган эди. Иккинчидан тан олиш керак китоб профессионал ёзилмаган эди. Сабаби бу мени биринчи тажрибам эди, бундан ташқари китобни жуда қисқа вақт ичида тайёрлаганман. Шу сабабли китобни нашр қилишни осон йулларини излай бошладик. Мен олдин Америкага келмасимдан бурун Туркияда яшаганман. Туркиядаги “Улки очаклари” журналида ишлаганман. Жуда кўп танишларим ва дўст-ларим бор бу журналда. Журналда ишловчи дустларимиз китобни нашр этилишига ёрдам беришларини айтишди. Бундан табиийки хурсанд бўлдик. 2003 йилга келиб Туркияда “Ўзбек муҳолифати тарихидан лавҳалар” асари рус тилида 1000 нусхада нашр этилди. Ю.Р.: Баъзи муҳолифат намояндалари сизни бу китобдан катта фойда кўрганлигини даъво қилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Б.Ф.: Бу китобни бирор фойда кўраман деб тайёрламаган эдим. Шунчаки хайр саховат учун қилинган



ва нашр этилган эди. Китоб рус тилида бўлгани учун уни ташқарида, яъни Ўзбекистондан хорижда сотиш имконияти чегараланган. Шу боис бу китоб Ўзбекистонда

ва бошқа русийзабон ўлкаларга бепул тарқатилди. Каминага бор йўғи 15 дона китоб теккан.

Ю.Р.: Баъзи муҳолифатдаги гуруҳлар бу китоб “Эрк” партияси тарафида туриб ёзилганини иддао қилишмоқда, бунга муносабатингиз қандай?

Б.Ф.: Юқоридан айтганимдек китобни ёзиш жараёнида жуда кўп манбаълардан фойдаландим ва жуда кўп материалларни тўпладим. Тўғриси айтиш керак ва бу ҳақиқатни тан олиш керак, хорижда чиққан ўзбек муҳолифати билан боғлиқ материалларнинг аксарияти “Эрк” партияси лидери М.Солих жаноблари шахсиятлари, ижодлари ва сиёсий фаолиятлари ҳақида эди. Шу боис мен ҳам ўз асаримда Солих жанобларига кўп ўрин берган бўлишим мумкин ва бу табиий ҳолдир деб ҳисоблайман. Китобни кимгадир ёқиши ёки ёқмаслиги ҳам табиий ҳолдир. Чунки ўзини муҳолифат намояндаси деб ҳисоблайдиган кишилар ҳам китобдан ўзлари ҳақида ниманидир ўқишни исташар, мен эса улар ҳақида ёзмаган ва бунга алоҳида эътибор қарагиларимиз лозим эмас деб ҳисоблагандирман. Аслини олганда тарафқашлик дегани ҳам мавҳум тушунча. Бирор нарсага тарафсиз одамни ўзи бўлмайди. Биз табиийки нимагадир тарафмиз. Инсон зоти борки нимагадир тарафли бўлади, ҳеч қачон бетараф бўлмайди.

Ю.Р.: Лекин ҳар бир журналист ва илмий изланувчидан талаб қилинадиган бетарафлик, ҳолислик каби халқаро андозалар борку?!

Б.Ф.: Бетарафлик, ҳолислик каби халқаро андозалар идеал маънода айтилади. Лекин аслида бетарафлик йўқ нарса. Ўзбекистонлик бўлганим ва муҳолифат намояндаларини яқиндан таниганим учун сиз айтгандек ва кимлардир иддао қилаётгандек тарафсиз бўлишим қийин. Ҳаммага юз фоиз яхши кўринишнинг ўзи бемаъниликдир. Тарафсиз, ёки ҳаммага бирдек яхши кўринишни хоҳлаган кишининг характери, шахсияти бўлмайди.

Суҳбатдош **Юсуф Расул**, мустақил журналист, Швеция.



## ТОШКЕНТНИ СЕЛ БОСДИ

Чоршанба куни дўл аралаш ёққан кучли жала натижасида Тошкент шаҳридаги аксар кўчалар, тротуарлар сув остида қолди. Жумладан, Interkontenental меҳмонхонаси ва Минор метроси олдидаги катта йўлни сув босиб кетган. Тошкентликларнинг Озодликка хабар қилишича, шаҳарнинг кўплаб кўчаларидаги сувнинг баландлиги 40-50 сантиметргача тўғри келган. Бунинг натижасида пойтахтда автомобил қатнови издан чиққан. Йўллардаги сув натижасида автомобиллар ярмигача сув остида қолган. Автобус бекатларини ҳам сув босгани боис йўловчилар автобусга чиқиш имконидан маҳрум бўлган. Тошкент Гидрометрология марказидан олинган маълумотга кўра, чоршанба куни ёққан жала бир ойлик ёғингарчиликнинг 40 фоизига тўғри келиб, ёғин миқдори 27 миллиметрни ташкил қилган. Тошкентда апрел ойидаги кучли жала ёғиши 1993 йилнинг 24 апрелида қайд қилинган бўлиб, ўшанда 40 миллиметр ёмғир ёққан эди. Гидрометрологларнинг хабарига кўра, 27 апрел куни ҳаво ўзгариб туради ва момоқолди роқ чақиб, ёмғир ёғиши мумкин. Бу каби об-ҳаво 30 апрелгача давом этади.



## ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

### Муаллиф ҳақида:

Баходир Файз 1971 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1989 йил Тошкент Давлат университетида ўқишга кирган. Қайта қуриш йилларидаги норасмий гуруҳлар ҳаракатида фаол иштирок этган. 1993 йил Туркияга бориб, Бурса шаҳридаги Улуг Тоғ университетида ўқишга кирган. 1994 йил Ўзбекистон ҳукумати Туркияда таҳсил олаётган талабаларни муҳолифат аъзолари билан яқинлашишда айблаб мамлакатга қайтишни талаб қилган. Бу “қора” рўйхатда Баходирнинг ҳам номи бор эди. У ўзини хавф ҳагар кутаётган Ватанига қайтмасликка қарор қилгач, Истамбулда таъйиққа учрайди: Ўзбек режими фатвои билан стипендиядан маҳрум қилиниб, ётоқхонадан қувилади. Кўп ўтмай ўқишдан ҳам ҳайдашади... Лекин яхши одамларнинг ёрдами билан бир оз вақтдан сўнг яна университетга тикланиб, ўқишини муваффақиятли яқунлашга муваффақ бўлади. Лекин таъкиб ва таъйиқлар авж олган Ватанга қайтиш имкони бўлмагани боис, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига сиёсий бошпана сўраб мурожаат қилади. 1999 йил БМТнинг қарори билан Америка Қўшма Штатларига келиб, Пенсильвания штатида яшай бошлайди. У ҳозир Поинт Парк Моррис коллежида илмий иш билан банд. Уйланган, бир қизи бор...

### Сўзбоши ўрнида

Советлар давридаги ва Горбачёвнинг қайта қуриш йилларидаги ўзбек муҳолифати тарихи тадқиқотчилар томонидан ҳали ўрганилмаган. Бунинг объектив сабаблари бор: авторитар тузум бунга йўл қўймайди! Ҳали хануз “Эрк” газети ва ё ўзбек муҳолифати ҳақидаги бирор хориж муаллифи китобини ўқиганлиги учун одамлар 10-15 йил қамқоқ жазосига ҳукм этилаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Муҳолифат ҳақида хорижда китоблар чиққан. Мен бу матнларни ёзарканман, улардан фойдаланиш билан бирга ўз ҳаётий кузатишларимга ҳам сўяндим. Совет империяси умрининг сўнгги давларида бевосита ўзим кўрган ва гувоҳ бўлган воқеа, ҳодисалар, сиёсий лидерлар ҳаёти ва фаолиятини баҳоли қудрат акс эттиришга ҳаракат қилдим. Ўзбек муҳолифати ҳали муҳолифат номини олмай туриб тузилган эди. У илк бора Ўзбекистонда ижодий зиёлилар тарафидан дастаклангани ва шакллангани ҳеч кимга сир эмас. Ижод аҳли, зиёли ва адабиётчилар ўша қайта қуриш йилларида Совет Иттифоқининг деярли барча республикаларидаги муҳолифат ҳаракатларига етакчилик қилганлари бугун ҳаммага маълум. Лекин ўша пайтлар ҳеч қаерда бу қуч Ўзбекистондагидек миллий ҳаракатга ва қудратга эга бўлмаган эди. Шу маънода истеъдодли шоир Мухаммад Солихни мазкур миллий

ҳаракат раҳнамоси десак муболага бўлмас. Америкалик тадқиқотчи Руф Диблер ёзади: “Масаланинг эътиборга молик томони шундаки, бу даврда сиёсий курашнинг йўлбошчиси бўлиб ижодий зиёлилар майдонга чиқа бошладилар. Бу ҳол собиқ Иттифоқ республикаларининг деярли барчасида содир бўлди ва бу халқларнинг миллий ўзлигини таниб, қадриятларини ўрганиш борасидаги жасоратли ҳаракатларига асос бўлиб хизмат қилди. Бу ҳаракат – миллий халқлар бирлигининг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Ўзбекистонда ҳам айнан шундай бўлди. Бунда, сўзсиз Мухаммад Солихнинг ҳиссаси бекиёсдир.” (“Literature and Politics: Moohammad Salih and Political change in Uzbekistan from 1979 to 1995” Ruth Diebler, Indiana University, 1996) Ёзганларимни ўқиркансиз, Мухаммад Солих фаолиятига оид қайдларга кўп маротаба дуч келасиз. Зотан, агар шундай қилмаганимда, эҳтимол бу китоб ёзилмаган бўлармиди. Негаки, ўзбек муҳолифати фаолияти бу ном билан ниҳоятда уйғунлашиб кетган. Бунга тан олмасликнинг иложи йўқ. Бу – ҳаётий ҳақиқат! Ўзбекистонда асосан икки сиёсий муҳолифат ташкилоти мавжуд: “Эрк” ва “Бирлик”. Бу уюшмаларнинг ҳар иккаласига ҳам, истаймизми йўқми, Му?аммад Солих асос солган. “Эрк” ва “Бирлик” номи билан айни ташкилотлар Туркистон ва Поволжье ўлкасида жадиждар томонидан 1910 йилларда ташкил топган. Лекин бу тарихий номларнинг асл моҳияти билан ўшанда ҳеч ким қизиқмади. Фақат хориждагина Мухаммад Солих бу борада ойдинлик киритиб, нима сабабдан ташкилотлар учун айнан шу номлар танланганини шарҳлаб берди. Унинг фикрича, бу номларнинг ўшанда шарҳланиши одамларни “Жадидий устунлиги” “джадидовской преемственностью” билан чўчитиб қўйиши мумкин эди. Негаки, 1988 йил “Бирлик” ташкил топаётганда мамлакатда бу қадар эркин сиёсий фаолият юритиш, ҳур фикрни баралла айтиш, шунга мос бўлган жадидчиликдай ёркин бир миллий ғоя тарғиб бўлишга ҳали бир оз вақт бор эди... Бу икки ташкилот ҳукумат тарафидан 1993 йилдан эътиборан тақиқланади. Худди шу вақтдан бўён бу икки ташкилот лидерлари ҳам хорижда, муҳожирикда. Яқинда, “Бирлик” ҳукумат томонидан тан олинди, расмий сиёсий мақом олармиш деган гап чиқиб ?олди. Айни пайтда, муҳолифатнинг асосий қисми бўлмиш “Эрк” ҳақида ҳеч нима дейилмаган... Назаримда, ҳукуматнинг бу “танлови” билан Каримовнинг террорга қарши бирга курашган шериги бўлмиш америкаликлар ҳам розига ўхшайди. Нега энди “Бирлик” қутилмаганда Каримов режими учун хавфсиз бўлиб

қолди-ю, “Эрк” хануз улар учун хавfli бўлиб, даҳшат солиб турибди? Бу саволга тўғри жавоб топиш учун муҳолифат тарихини чуқур ўрганиш керак... Бу китоб менинг шу борадаги баимкони қудрат бир ҳаракатимдир. Мен китобни ёзар эканман, ҳалол мушоҳада юритиб, воқеаларга имкон қадар ҳолис муносабат билдиришга ҳаракат қилдим. Ҳолбуки, сен ўзинг ёзаётган воқеа – ҳодисаларнинг фаол иштирокчиси бўлсанг, адолат посангиси бирор томонга оқиб кетмаслигига кафил бўлолмасанг ҳам...

### Куртақлар

1984 йил ўзбек зиёлилари учун оғир келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг янги идеология секретари Раъно Абдуллаева ўзбекларни миллат сифатида ажиб бир синовдан ўтказга бошлади. У Москванинг (Андропов) кўрсатмасига асосан халқимизнинг миллий, маданий ва диний қадриятларига қарши кураш йўлига ўтди. Абдуллаевани “хомо советикус” тарбиячиларининг энг сўнггиси ва “ислом фундаменталистлари”га қарши кураш пионерларидан бири деб аташ мумкин. Худди ана шундай хавотирли бир дамда “53 кишининг хати” дунёга келди. Бу Ўзбекистонлик 53 нафар ёш ва истеъдодли шоир ва ёзувчиларнинг Сиёсий Бюро аъзоларига йўллаган норозилик мактуби эди. Хатда Ўзмарказқўм котибасининг халққа қарши сиёсати ҳақида сўз юритилганди. Мактуб Кремлга 1985 йилнинг бошларида жўнатилган бўлиб, жавоб май ойида – энди Горбачёв маъмуриятидан келган эди. Лекин жавоб шикоятчиларга эмас, балки Абдуллаеванинг ўзига келди. У исёнкор ёш ёзувчиларни Марказий Қўмига чорлаб, уларни тўғри йўлга ўтишга ундади, лекин унинг бу ҳаракатлари самарасиз қолди. Фақат уч кишигина ожизлик қилди. Лекин хатга имзо чеккан 56 кишидан 53 нафари ўзларида инқилобий рух сезиб, ёзганларидан тонмадилар. Ана шу жасоратдан 53 киши Ўзбекистоннинг келажакдаги миллий озодлик ҳаракатига асос солди. “53 кишининг хати” Мухаммад Солих томонидан ёзилган эди. Абдуллава тузган “қора рўйхат”да ҳам бу ном биринчи ўринда турарди... Табиат мусаффолиги учун кураш Ижодкор зиёлиларнинг илк муҳолиф чиқишлари “Атроф муҳит тозаллиги ва табиат мусаффолиги учун кураш” деб номланган эди. Эмин Усмон, Дадахон Нурий ва Мухаммад Солих каби ёзувчилар экология, қуриётган Орол ва ўзбек аёлининг соғлиги муаммолари хусусида қатор ўткир чиқишлар қилишди. Мухаммад Солихнинг мақолалари Москва нашрларида ҳам чоп этилгани боис у анча машҳур бўлиб кетди.

(Давоми кейинги бетда)

## ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: боши олдинги бетда)

Хали Иттифок таркибида бўлган ҳамма ижодкорлар ҳам бундай дадилликка журъат қилолмас эди. Боз устига Муҳаммад Солихнинг ғарб стилидаги шеърлари ҳали вери унга бу қадар катта обрў келтирмаган бўлиб, унинг шеърларини расмий адабий танқид сирли ва мубҳам, ҳеч ким тушунаолмайдиган ва халқни йўлдан урадиган, миллатга қарши шеърят деб баҳолаган эди. Лекин бир оз синчков мухлис унинг шеърларидаги ажиб пардаларга ўралган ва миллат дарди билан йўғрилган тузумга қарши мухолифликни англаб олиши мумкин эди. Масалан, ҳали турғунлик пайтларидаёқ у шундай сатрлар битган эди: Бўм-бўш қўллар  
Нақадар зерикарли далалар – пахтасиз! Осмонга анграяр бўм-бўш чаноклар, Дехқоннинг бўм-бўш панжаси каби!  
Бўм – бўш қўллар...  
1975 йил. (“Ёшлик баёзи” альманахи, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент шаҳри). Бир оз шеърӣ мушоҳада юрита оладиган ҳар қандай одам ҳам бу топишмоқ (ребус) сатрлар мазмунида пахта уни етиштираётганларники эмас деган яширин фикр борлигини англаб олиши мумкин эди...  
Мен бир пайтлар интернет бахсларида “хукуматпараст” жамоат арбоби Марат Зоҳидовнинг Совет давридаги Муҳаммад Солих ижоди символикасини ипидан игнасиғача таҳлил қилишга уринган мақолаларини ўқиган эдим. Муҳаммад Солих ижодидаги мавҳумлик ва миллатга қаршилик ҳақидаги совет тарғиботчиларининг афсоналари қанчалик тутириқсиз бўлса, унинг қайта қуриш йилларидаги ижодини, ёзган мақолаларини миллатчиликка йўйиш ҳам шунчалик бемаънилик эди. Ўз ижодининг ўта сиёсийлашганига изох бераркан, Муҳаммад Солих шундай дейди: “Мен узоқ вақт сиёсатдан ҳазар қилиб, “ғоявий шеър ёзган”ларни қалака қилиб келдим. “Буюк Октябрь” ва ё “Порлок келажак” ҳақида қуйлаганларни эса умуман жиним суймасди. Бутун ижодим давомида принцип нуқтаи назаридан бирор марота ҳам “Ленин”, “социализм” ва “коммунизм” сўзларини ишлатмадим. Мен соф ижод билан шуғулланишни афзал билардим. Масалан, 1980 йилларда мен “ижодни ўзинг учун рақсга тушиш, ўз ички дунёнгга назар ташлаш, ўзинг қуйлаб ўзинг тинглаш” санъати деган ақидага амал қилардим...” ( «Ёшлик» журнали. 1981 йил, Иброҳим Ҳаққулов билан суҳбатдан). Лекин ўша – 1980 йилда ёзилган бошқа бир шеърда, менинг қарашларимдан қатъий назар, баъзан “соф шоирона” бўлмаган сатрлар ҳам бор эди: Сўзларни яратиб уларга бўйсунамиз бир куни.

Ҳар кимнинг бўйнида осилиб турар маълум ҳарфлардан ташкилланган сўз. Дейлик, “Аҳмад” деса уйғонмайман мен, уйғонмайман “Тошмат” деб ҳайқирсалар ҳам –  
Исмимни билса ҳам момоқалдирик уйғота олмайди мени ҳеч қачон!  
Уйлаб кўринг энди, нақадар кийин бутун халқни уйғотмоқчи бўлган дохийга.

1980  
- Бу сатрлар фақат санъат маҳсули десак тўғри бўлмас. Булар кўпроқ ритм ва ё қофияга туширилган сиёсий декламация десак тўғрироқ бўлар... (“Muhammad Salih in Turkish and Western Press, Ankara, “Berikan” -2001 p.388) Бир сўз билан айтганда, саксонинчи йилларнинг ўрталарида ўзбек зиёлилари биз тилга олганимиздек, нафақат табиат, атроф муҳит ва экология учун, балки соф идеология учун ҳам кураш олиб борганига гувоҳ бўлдик. Лекин бу пайтда ҳали ҳеч ким орадан қандайдир 5-6 йил ўтиб, дунёдаги энг буюк идеология етакчиси – Совет Иттифоки кулашини тасаввурига ҳам келтиролмас эди...

### Ёзувчилар уюшмаси

“53 кишининг хати” дан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳукуматга норасмий мухолифатда бўлган кучларнинг марказига айланиб қолди. 1986 йилдаёқ ёш ёзувчилар йигирманчи йилларда репрессия қилинган ёзувчиларни оқлаш ва уларни реабилитация қилиш масаласини кўтарган эдилар. Қолбуки, бу масалани кун тартибига қўйиш у пайтларда тақиқланган эди. Лекин шунга қарамай у кўтарилди ва жараён давом этарди. Репрессияга учраганлар ҳақида секин аста кекса ёзувчилар ҳам гапира бошладилар...  
1988 йил Ёзувчилар уюшмаси тарихда биринчи маротаба ўз котибларидан бирини коммунист бўлмаганлар орасидан сайлади. Бу котиб – Муҳаммад Солих эди. Бу сайлов ва танлов – Ёзувчилар уюшмасининг Коммунистик партия идеологияси маркази сифатидаги фаолияти инқирозининг бошланиши эди! Энди Ёзувчилар уюшмаси олдида Ўзбекистон миллий ҳаракати марказига айланишдек шарафли вазифа турар эди...

### СИЁСАТ

1988 йилнинг 11 ноябрь куни шоир ва ҳофиз Дадахон Ҳасановнинг уйида “Бирлик” Халқ ҳаракатига асос солинди. Юқорида айтганимиздек, бу халқ ҳаракатининг бошида Муҳаммад Солих турар эди. Қайта қуришнинг дастлабки йилларида ёзувчилар, ўз касбларидан келиб чиққан ҳолда, сиёсий уйинлар-да ҳали тажрибасиз ва ғўр эдилар. “Бирлик” раҳбариятига халққа умуман таниш бўлмаган ва омма орасида номи чиқмаган кишиларни сайлаб катта хатога йўл қўйишади. Ҳатто ўз сафдошлари

орасида “антикоммунист” номини олган Муҳаммад Солихнинг атрофини ҳам асосан коммунистлар ўраб олган эди. Ажабки, шахсан Муҳаммад Солихнинг таклифи ва талаби билан кейинчалик “Бирлик” таназзулига жуда кўп ҳисса қўшган Абдурахим Пўлатов унинг раҳбари этиб сайланади. Мазкур миллий ҳаракат ветеранлари ҳануз Муҳаммад Солихга буни маломат қилиб келадилар. Абдурахим Пўлатов Кибернетика институтининг илмий ходими бўлиб, унинг директори бўлишни кўнглига тугиб келарди. Фақатгина бу орзунинг амалга ошишида институт директори Восил Қобулов тўсқинлик қиларди, холос. Пўлатов ўз директори устидан “фақат ўзбекларни ишга олувчи миллатчи” деб Москвага шикоятлар ёзиб ҳам натижага эришаолмагач, “Бирлик” норасмий гуруҳлари сафига ўтади. Агар ҳукумат уни ўша пайтлар директорликка тайинлаганида эди, у “Ўзбек тили тарафдорлари” га қарши “Бирлик” сафида “Ўзбек тили учун” қандай курашган бўлса, худди шундай кураш олиб борган бўларди...  
Ўша йиллардаги сиёсий жараёнларни кузатган америкада чиқадиған “Уолт Стрит Журнал” газетасининг махсус мухбири Питер Гамбел шундай деб ёзади: “Ўзбек жамятининг янгиланаётганига яна бир мисол шуки, яқинда “Бирлик” халқ ҳаракати вужудга келди. Биз бу ҳаракат билан КПСС партиясига кризисдан чиқишида кўмак бермоқчимиз”, – дейди биз билан суҳбатда КПСС аъзоси Абдурахим Пўлатов... (Peter Gumbel, The Wall Street Journal, 28.06.1989) Пўлатов, гарчи компартияга ёрдам берамиз деган бўлса ҳам, лекин ҳеч қачон унинг ғояларига ишонмаган. Лекин партияга аъзо бўлиш учун умрининг ажойиб дамларини ва анчагина пулларини сарф қилган. Чунки партиясиз бўлса, раҳбарликни орзу қилган умри давомида ҳеч нарсага эриша олмаслигини, ҳаётини хор-у зорликда ўтказишини яхши биларди. Эҳтимол шунинг учун ҳам партияга кириши ниҳоятда кийин бўлгандир. Бунинг учун киши ниҳоятда манфур ва фирибгар бўлиши керак шекилли. Пўлатовнинг қутилмаганда қарама қарши лагерга ўтиб кетиши ҳеч кимни ажаблантирмади. Чунки ўша пайтда компартия Ватани бўлмиш бутун Россияда шунақа парокандалик руҳи ҳукмрок эди. Қолбуки, Пўлатов партия сафидан чиқмади. Атайлаб чиқмади, кор эҳтиёт учун... Ҳатто уни партия сафидан ўчирмоқчи бўлганларида бирликчиларни уюштириб, ўз ҳимояси учун норозилик намойиши ҳам ўтказди. Қолбуки, у раҳбарлик қилаётган “Бирлик” аслида компартия ва унинг сиёсатиға қарши кураш учун ташкил этилган эди...

(Давоми келгуси сонда)

## КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Жигардаги ҳаво йўлларининг торайишига боғлиқ равишда инсонларнинг нафас олинишини қийинлаштирадиган сурункали обструктив ўпка касаллигининг пайдо бўлишига энг катта сабаб сигарет чекишдир. Чекилган ҳар бир сигарет бутун бошли бир саноатдир. Бу саноат айна пайтда 4 минг турли кимёвий моддани ишлаб чиқаради. Бу кимёвий моддалар орасида мутагенлар, токсинлар, тахминан 60 турли канцероген ва шунга ўхшаш моддалар бор. Буларнинг тахминан 20% тўғридан-тўғри жигар ва қонга, 80% атроф муҳитга ва кишиларга зарар беради. Буруннинг тикилиб қолиши ҳам томоқдаги муртак безларнинг (гландаларнинг) шишиши, тана ҳароратининг ошиши ёки теридаги кичишмалар касалликларга барҳам беришда фойдалидир. Масалан, бурун тешикларининг тўлиб қолиши симпатик ва парасимпатик нерв тизимлари орасидаги мувозанатни таъминлайди. Бурун тўлган пайт уни кимёвий моддалар билан очишга уриниш - мувозанатни бузишдир. Пиёз суви, седана ёғи, аччик қовун ёғи ва суви каби табиий очувчилар эса қувват мувозанатсизлигига барҳам беришда фойдалидир. Тикилган буруннинг бир тешигини ёпиб, бошқаси билан нафас олиб чиқариш, қисқа пайт ичида қувват мувозанатини таъминлайди ва бурун тикилиши тез ўтиб кетади.

### Нотўғри ўтириш

Замонавий кишининг зарарли одати стул ва креслода ястанишдир. Стулда ўтириш қорин ва оёқлардаги қон ҳамда қувват айланлигини қийинлаштиради, ичакларнинг ишлашини секинлаштиради, ич қотиши, простатит ва тухумдон касалликларига, гемморой, варикоз, бўғимлар ва умуртқа касалликларини келтириб чиқаради. Ерда боғдош қуриб (оёқларни чалкаштириб) ўтириш, тизза устида, бир оёқ устида иккинчисини букиб, оёқлар орасида ўтириш қон ва қувват айланлигини қулайлаштиради. Ерда ўтирганлар юқорида айтилган касалликлардан омон бўлишади. Болалар ота- оналари стулда ва креслода ўтиришга ўргатгунларича фақат ерда ўтиришади. Катта ва кичик таҳорат учун туркча унитаз танлаб, тиззаларини буккан холда, оёқ панжаларида ўтириб, ҳожатга чиқишлари керак. Европа унитазини устида ўтириб ҳожат чиқариш табиийликка зид ва соғлиққа зарарлидир. Европа унитазини ўтиришда тананинг олган шакли, чиқиш йўлидаги қалин ичак ҳаракатини тўсиб қўяди, қалин ичакнинг ҳаракати секинлашади, текис ичак, чиқиш йўлининг келтирган босими билан кенгайишлар ва ич қотиши юзага келади. Катта ва кичик таҳоратни ҳамда газни

кўп тутиб туриш зарарлидир. Бу ҳолатда сийдик, ахлат ва газлардаги зарарли моддалар қонга аралашади, аъзоларни заҳарлаб инсоннинг қаршини тезлаштиради.

### Қишлоқ хўжалиги дорилари: гормон, сунъий ўғит, гербицид, дефолиант ва пестицидлар

Қишлоқ хўжалигида қўлланилган бу моддалар тупроққа, ер ости сувларига аралашиб, сабзавот, мева, дон маҳсулотлари, ўсимликлар воситасида ҳайвонларга ўтади. Натижада мева, сабзавот ва гўшт маҳсулотлари билан дастурхонимизга келади, танадаги ҳужайраларга қарши кимёвий уруш эълон қилади.

Бу дорилар аъзоларда тўпланиб, кишини бутун умр ўз таъсири остига олади. Кўпроқ жигарга, ирсий (жинсий) аъзоларига ва мияга зарар беради. (“ДНКдаги ўзгаришлар” бўлимига қаранг) Масалан, баъзи озука моддаларида ва инсон танасида ҳалиям илгари таъқиқланган, бугунда қўлланилмаётган Д.Д.Т., Диоксинлар ва шу каби моддаларга дуч келинмоқда. Ёши 30-40лар орасида бўлганларда бу моддалар келтириб чиқарган касалликларни кўриш мумкин. Танада тўпланган бу моддалар умр бўйи, таъсирини йўқотмайди, онадан - эши (плацента) ва сут орқали - болага ҳам таъсир қилади. Экинларда қўлланиладиган гербицид ва пестицидлар ўсимлик касалликларига сабаб бўлган вирус, микроб ва паразитлар билан фойдали микробларни, чувалчанг, ва ҳашаротларни ўлдириб, экологик мувозанатни бузиб ташлайди. Тупроқнинг самардорлигини туширади, инсон соғлигига салбий таъсир қилади, бадан-руҳ мувозанатини бузади. Олимларнинг тадқиқотларида бош миядаги ҳужайра зарарланишидан келиб чиқадиган паркинсон ва алзгеймер каби нерв тизими муаммолари билан ҳашорат дорилари орасида боғлиқлик қайд этилган. Қир ювиш воситалари, кимёвий моддалар, пардоз ва бадан парварishi маҳсулотлари Инсон ҳаётида микробларнинг аҳамияти катта. Микроблар ҳавони, сувни тозалайди, бойитади ва тупроқнинг самардорлигини оширади. Микроблар ўлик киши, ҳайвон ва ўсимликларни чирийтиб, дунё юзини тозалайди. Кишиларнинг ва ҳайвонларнинг тери-туқларини ва ўсимликларни тозалайди; барча жонли нарсаларни турли касалликлардан сақлайди; дунёдаги яшаш суратини мувозанатда ушлаб туради. Ҳар бир микробнинг вазифаси аниқ, нозик ва фарқлидир-ки, инсонлар уларни асло бажара олмайди. Микроблар шу даража муҳим мавжудотлар-ки, бир онда ҳаммаси йўқолса, дунё баъзи олимларнинг фикрича фақат 15-20 дақиқа, баъзиларнинг фикрича 1 соат

яшай олади холос.

Биологлар “Фаришта деган мавжудотлар, балки, бу микроблардир”, дейишмоқда. Бугунги кунда микробларга уч томондан бирдан ҳужум қилинмоқда:

1. Антибиотик, сульфаниламид каби антимикробал моддалар, стерилизация ишлари, қир ювиш воситалари ва қишлоқ хўжалик дорилари микробларни тўғридан-тўғри ўлдиради ёки кўпайишини тўхтатади.
2. Ёлларнинг гидрогенланиши, егуликларга қўшилган сақловчи қўшимча моддалар ва ҳушбўй ҳидлар егуликнинг таркибини бузиб, микроблар ея олмайдиган ҳолга келтиради; озикланиш ва кўпайиш-ларига тўсик бўлади.
3. Микробларга қарши эълон қилинган энг хавфли ва кенг қўламли уруш нанотехнология ва ген технологияси ишлаб чиқарган моддалар ёрдамида олиб борилмоқда. Бу урушда микробларни улар истеъмол қиладиган ўсимликдан маҳрум қилмоқдалар. Микробларга қарши очилган бу уруш микроблардан кўра инсонларга зарарлироқдир. Хлорка, идиш-товок тозаловчи порошоклар, ёғ ва қир кетказувчилар, оқартирувчи, юмшатувчилар органик қолдиқ ва микробларни қандай эритиб, йўқ қилса, жигар ва мия ҳужайраларга ҳам худди шундай зарар бермоқда. Нафас олиш йўли билан баданга қирган кимёвий моддалар мия томирларини, ўпкадаги броншларни ва алвеолаларни эритади, яроқсиз ҳолга келтиради, шиширади ва қонга аралашади. Қон айланлигининг бузилиши, томир деформациялари, MS, алзгеймер каби оғир мия касалликларига, ўпка, жигар, буйрак касалликларига ва бундан ташқари, бепуштлиққа замин тайёрлайди. Кимёвий қир ювиш воситаларига муқобил восита сифатида тақдим этилаётган, ген технологияси воситасида ишлаб чиқарилган “бутунлай табиий” ва “соғлом” деб иddaо қилинаётган, ҳатто суви гулларга тўкилганида, уларни яшнатган, ўсимликли қир ювиш воситалари кимёвий қир ювиш воситларидан ҳам хавфлидир. Улар мутацияга ва саратонга (ракка) сабаб бўлади. Бу тозалаш моддаларини қўллаган кишилар жонсиз, ҳолсиз, ҳиссиз, гормон мувозанати бузилган, хотираси заиф, паришонхотир, тушунчаси бузуқ, бахтсиз, депресив, ранги сариқ ёки қони йўқ кишидек, сочлари синувчан ва сийрак, тирноқлари жигарранг ёки бинафшаранг бўлади. Шундай бўлиши табиий. Бу - бизга Аллоҳ томонидан хизмат қилиш учун юборилган мавжудотлар бўлмиш микробларнинг ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиб, уларни ўлдириганимиз учун олганимиз жазодир.

(Давоми кейинги бетда)

## КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Кир ювиш воситалари фақат кир ювиш машиналарида минимал миқдорда қўлланилиши мумкин. Машинага “детержан” қўяётганда бурун мато билан ёпилиши керак. Кирни қўлда ювишда парфюмсиз, бўёксиз, табиий совун қўлланилади. Уйни тозалашда араб совуни ҳамда тупрок, кум қўлласа бўлади.

Бадан ва қўлларни ювишда ҳар сафар совун ишлатиш шарт эмас.

Теримиз устида яшаётган ва унинг соғлигини сақлаш вазифасини олган микроблар бу ишни биздан яхши бажаради. Биз бўлар-бўлмасга совун қўллаверсак, бу микробларнинг ишига ҳалақит ва зарар берган бўламиз. Аслида, сув ва тупроқдан яхшироқ тозаловчи йўқ. Чунки бизни ва муҳитимизни ифлослатувчилар модда ёки микроблар эмас, балки салбий энергиядир. Салбий энергияни эса кир ювиш воситалари эмас, балки тоза сув ва тупрок йўқ қилади.

Ер юзидаги барча жонзотлар - инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ҳавода, сувда ва тупроқда колдиклар қолдиришади. Бу колдикларни ўзгартириб, фойдали ҳолга келтириш учун мукамал бир Экологик Тизим яратилган. Бу тизим шарофати билан экологик мувозанат бузилмаган, инсон кирмаган ўрмонларда бизни иргантирадиган бирорта колдик кўрмайсиз. Инсон ёки ҳайвон жасадига аввал ҳашорат ва пашшалар келади. Улар ўзларига оид ризкни тугатиб, жасадни навбатдаги борлиқлар учун ҳозирлаб кетишади. Сўнг, қуртлар айни шаклда ўз ризқларини еб, жасадни бактерияларга қолдиришади. Охири ишни бактериялар қилади ва улардан фақат суяклар соч ва тирноқлар қолади. Шу шаклда ер юзи жасад ва ўлик организмлардан тозаланади. Замонавий инсон таом, ичимликлар ва пардоз-андоз воситаларидаги сақловчи моддалар ва кимёвий дорилар билан ўзини мумиёлаб ташлаган. Шу боис, сўнгги йилларда Европада баъзи кабристонлардаги жасадлар чиримай ётибди. Чунки ҳашорат, пашшалар, қуртлар ва бактериялар жасадларни чиритмай, тупроққа аралаштирмай қўйишган. Бироз вақт ўтсин, табиий жойларни ифлослантирган кимёвий (сақловчи) қўшимча моддалар ва дорилар туфайли ҳайвонларнинг жасадлари ҳам чиримас ҳолга келажакдир. Бошқа томондан, ҳашарот, пашша ва бактерияларга қарши қўлланилаётган кимёвий моддалар экологик мувозанатни таъминловчи бу мавжудотларнинг наслларини тугатмоқда. Бу ҳолат давом этаверса, ҳашарот, пашша ва бактерияларнинг насли қуриб, дунё ўликлари балчиғига айланади ва экологик киёмат қўпади.

Демак, кир ювиш воситалари, қишлоқ хўжалик дорилари, антибиотик ва қўшимча моддалар қўллаган киши



“экологик киёмат”ни ўз қўли билан қўптирмоқда.

### Сунъий хушбўй хидлар (ароматлар)

Сунъий хушбўй хидлар (ароматлар) нозик модда бўлгани учун сўлак безлари, нерв тизими ва руҳга тўғридан-тўғри таъсир қилади. Инсон мияси фикрни, кўз кўрган ва қулоқ эшитган нарсаларни назорат қила олади. Ўз фитратига уйғун нарсаларни қабул қилиб, қолганини рад қилади. Фақат мияда хидларнинг таъсирини бошқара оладиган ускуна йўқ. Шу боис, хидлар ҳеч бир тўсикка учрамай, тўппа-тўғри инсон руҳига таъсир қилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ҳадисларига кўра, баъзи хидлар фаришталарни қақираб, ёвуз руҳларни қувади. Масалан, исирик, мушк, анбар, гул, райхон, хина хидлари фаришталарни қақиради. Баъзи хидлар эса ёвуз руҳларни қақиради, фаришталар у хидларга дош бера олмай, у ердан узоклашади-лар. Спирт, сигарет, сийдик, ит хиди, ўлимтик, қон каби нажас моддалар ва баъзи ўсимликлар хиди шулар жумласидан. Авваллари хидлар табиий йўллардан олинадилар. Масалан, мушк хиди - кийикларнинг жинсий безларидан, гул, фиалка, лаванда, ясмин, атир хиди - тўғридан-тўғри ўсимликлардан олинадилар. Бугун косметик ва баданни озиклан-тирувчи моддалар, озик-овқат маҳсулотларида табиий ароматлар ўрнига хид ва таъм берадиган “табиий”га яқин ароматлар қўлланилмоқда. Ген технологияси ва нанотехнология воситасида мушк, гул хиди, сариёғ, сут ва қатик хушбўй хидлари, қайта ишланган гўшт, турли асал, қаҳва, қўзикарин, апельсин, кулупнай, нок каби мева ва сабзавот ароматлари, ялпиз, долчин, занжабил, дарахт сақичи каби қоразираторлар арзон йўл билан қўпайтирилмоқда.

Табиий ўсимликлардан табиий йўллар билан олинган ва “эссенциал ёғ” ёки “ҳавога тарқалувчи ёғ” номли хидли ёғлар юз йиллардан бери кўркув, андиша, стресс, депрессия каби руҳий муаммоларни, бош оғриғи, ҳузурсизлик ва тери касалликлари каби жуда кўп муаммоларни даволашда қўлланиб келинмоқда. Масалан, Гул ёғининг хиди туғиш жараёнида туғишнинг осон

кечишини таъминлайди. Атлас кедри, тафарик, ясминнинг атир тарқатувчи ёғлари руҳий муаммоларни кетказувчи, асаб таранглигига барҳам берувчи, тинчлантирувчи, мувозанатни сақловчи ва кучли антидепрессантлардир. Ясмин ёғи хиди руҳий толиқиш, жинсий хоҳишсизликни кетказди, сезувчанликни орттиради ва аёллик кучини орттиради. Хидларнинг даволаш йўлида ишлатилиши ва жиддий муаммоларни еча олиши хидлар инсон мияси ва баданига қандай қатга таъсирга эга эканини кўрсатмоқда. Шундай экан, хидларнинг бу қадар кучли таъсирга эга эканини ҳисобга олсак, бугунги кунда табиий”га яқин ароматлар гирт тескари таъсир кучига эга. Яъни арзимас кўринган бу аромат киши мувозанатини бузади, уни депрессияга ёки турли касалликларга мубтало қилади. (“Зехн бошқаруви” бўлимига қаранг.) Парфюмерия, крем, помада, соч желеси, соч бўёғи, сокол олиш материаллари, дезодорантлар, макияж материаллари каби пардоз маҳсулотлари; шампун, лосьон, совун, тиш пастаси, қуёш креми, гигиеник нарсалар, тайёр латталар, болаларнинг тагликлари ва терликларида минглаб кимёвий ва синтетик моддалар бор. Бу моддаларнинг 60% қон айланиш тизимига аралашади, қон ва тўқималарга қоришади. Бадандан чиқмаган бу кимёвий моддалар гормонал тизим, мия ва руҳ-бадан мувозанатига таъсир қилиб, жинсий аъзоларнинг хароб бўлиши ва бешушликка олиб келади, хомилдорлик, туғиш ва эмишида муаммолар келтириб чиқаради, саратон ва шу каби касалликларни келтириб чиқаради, аллергияларга ва мутацияларга сабаб бўлади. Масалан, косметика ва баданни парваришлаш маҳсулотларида чидамлиликини таъминлашда энг кўп қўлланган модда парабенлардир, яъни метил, этил, пропил, бутил парапенлар ва натрий бензонатлардир. Парабенлар тиш пастаси, шампун (болалар шампуну ҳам), крем, қуёш креми, соч желеси каби маҳсулотларда қўлланилади. Парабенларнинг кимёвий таркиби астроген гормонига ўхшайди.

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
Қамолддин Йўлдош